Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 29 июль 1973 йил, якшанба ✦ № 177 (15.651). ✦ Баҳоси 2 тийин.

БУГУН—СССР ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

СССР улкан денгизлар ва океанлар давлатидир. Унинг чексиз соҳилларини 12 денгиз ва икки океан сувлари ювиб туради. Жонажон Ватанимизнинг денгиз чегаралари 47 минг километрдан ортиқроқ масофага чўзилган. Ана шу муқаддас чегараларни ҳушёрлик билан қўриқлаб турган Ҳарбий-Денгиз флотимиз бугун ўзининг шонли байрамини нишонламоқда.

СССР Ҳарбий-Денгиз флоти тарихи қаҳрамонлик саҳифалари га бой. Халқ ҳотирасида рус денгизчиларининг Гангут ва Синоп яқинидаги жангларда кўрсатган жасорати, Севастополь ва Порт-Артурнинг қаҳрамонларча мудофааси ҳамон яшаб келмоқда. 1917 йил Октябрининг тарихий кунларида ҳарбий денгизчилар аскарлар ва ишчилар билан биргаликда революцион армия ядросини ташкил этиб, большевиклар партияси, Ленин бошлаган йўлдан бордилар. Ҳарбий денгизчилар Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида оммавий қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатдилар. Улар Баренц, Болтиқ ва Қора денгизларда, Тинч океанда, Волга, Днепр ва Дунай дарёларида душманни тор-мор қилдилар. Уруш давомида совет денгизчилари душманнинг икки мингдан ортиқ ҳарбий кемаси ва транспортини чўктириб юбордилар. Улар шонли Совет Армиясининг қисмлари билан биргаликда Болтиқбўйи ва Сталинградда, Заполярье ва Кавказда, Ленинград ва Севастополь бўсағасида жанг қилдилар, Москва, Киев ва Одессани ҳимоя этдилар.

Партия ва ҳукуматимиз Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган флот жангчиларининг қаҳрамонлигини юксак тақдирлади: 515 денгизчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 350 мингдан ортиқ денгизчи эса орден ва медаллар билан мукофотланди.

Ҳарбий Денгиз-Флоти куни бизда ҳар йили умумхалқ байрами—флотимизнинг жанговар қудрати, шахсий составнинг тобора ўсиб бораётган маҳорати ва юксак тайёргарлигининг кўриги сифатида нишонланади. Бу йил СССР Ҳарбий-Денгиз флоти куни партиямиз XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш давомида вужудга келган совет кишиларининг жуда катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида байрам қилинмоқда.

Шонли Ҳарбий-Денгиз флотимиз СССР Қуролли Кучларининг бошқа турлари билан биргаликда коммунизм қураётган совет халқининг тинч меҳнатини бузмоқчи бўлган ҳар қандай агрессорга зарба беришга доим тайёрдир.

СУРАТДА: Н-қисмнинг энг яхши денгизчиларидан бир группаси. Олдинги қаторда старшина, биринчи классли мутахассис А. Старовойтовни кўриб турибсиз. Бу денгизчилар оталаримиз шонли анъаналарининг муносиб давомчилари бўлиш билан бирга ҳарбий техника сирларини мукаммал ўзлаштирмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

БАЙРАМ ШАРАФИҒА

Тошкентнинг бир қанча клублари ва истироҳат боғларида, «Ташсельмаш» заводининг цехларида ва Ўзбекистон пойтахтининг бошқа корхоналарида Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган суҳбатлар ўтказилди. Ҳарбий-Денгиз Флотининг ветеранлари ишчилар ва ўқувчи ёшлар билан ҳарбий денгизчиларнинг жанговар қаҳрамонликлари тўғрисида ўз эсдаликларини баҳам кўрмоқдалар. Улар В. И. Ленининг ташаббуси билан тузилган Совет Ҳарбий-Денгиз Флотининг шонли жанговар анъаналари тўғрисида, янги техника ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Ватан Ҳарбий-Денгиз Флотини замонавий жанговар кемалар билан таъминлади.

Совет ҳарбий денгизчиларининг байрами Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг бўлинмаларида кенг нишонланади. Тошкент округ офицерлар уйининг ёзги эстрадасида «Ватанинг океан посбони» деган тематик кино-кеча ўтказилди. Байрам шарафига «Денгиз чорлайди» деган адабий эрталик тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ «АНТИИМПЕРИАЛИСТИК БИРДАМЛИК, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК УЧУН» Х ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

БЕРЛИН ШАҲРИ.

Азиз дўстлар!

Х Жаҳон фестивалида қатнашмоқ учун Германия Демократик Республикаси пойтахтига тўпланган сиз, жаҳон ёшлари ва студентларининг вакилларини самимий табриклайман.

Х Фестиваль — сизнинг ҳаётингиздагина катта ва муҳим воқеа бўлаётгани йўқ; у барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучларнинг диққат-эътиборини ҳам ўзига жалб этади.

Ҳозирги кунда ёш авлод тинчлик ва инсониятнинг энг яхши келажаги тақдири учун ўзининг масъулият ҳиссини сезиб, барча халқлар мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик шароитида бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиш имкониятига эга бўлиши учун олиб борилаётган курашга антив қўшилмоқда. Ёшлар халқаро кескинликни юмшатишга, ижтимоий системаси турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга, кенг ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган интилишга тобора фаол қўмаклашмоқда.

Барча қитъаларнинг вакиллари, турли сиёсий, идеологик ва диний маслак намояндалари фестиваль шиорлари остида тўпланганликларининг ўзиёқ ёшларнинг бирдамлиги мустаҳкамланиб бораётганлигидан, улар ҳамжиҳатликка ва тинчлик йўлида биргаликда ҳаракат қилишга интилаётганлигидан далолат беради.

КПСС XXIV съезди илгари сурган Тинчлик программаси ва уни амалга ошириш мақсадида қўйилган конкрет қадамлар тўғрисида жаҳон жамоатчилигининг гоят кенг доиралари, шу билан бирга ёшлар ижобий фикр билдирмоқдалар. Бу тинчликсевар сиёсат каттакичик барча халқларнинг манфаатларини ҳўзлаб ўтказилаётганлиги учун, кишиларнинг социал ва миллий зулмнинг барча формаларидан ҳоли ҳаёт кечириши ҳақидаги орзу-умидларига мос бўлиб тушганлиги туфайли тобора кенг ва актив қўллаб-қувватланмоқда.

Бироқ, халқаро вазиятнинг ҳозирги умуман ижобий ривожланишини мустаҳкамламоқ учун барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучларнинг янада қатъий куч-ғайрат сарфлаши, уларнинг биргаликда антив ҳаракат қилиши талаб этилади. Ёшлар халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган уруш манбаларини ва кескинликни тугатиш учун курашда, реакцион, агрессив кучларнинг «совуқ уруш» руҳини тиклаш, миллий озодлик, демократия ва тараққиёт ишига халақит бериш йўлидаги ҳар қандай уринишларининг олдини олишда муҳим роль ўйнашлари лозим.

Совет Иттифоқи ленинча принципларга амал қилиб, ўз озодлиги учун курашаётган халқларни доимо қўллаб-қувватлайди, тинчликни, хавфсизликни ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаш йўлини қатъият ва изчиллик билан амалга ошира беради.

Ёшлар ва студентларнинг тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар хавфсизлиги ва социал тараққиёт манфаатлари йўлида антиимпериалистик кучларнинг бирдамлигини, ҳамжиҳатлигини, дўстлигини мустаҳкамлашда сизларга чин кўнглимдан янги катта муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

Афғонистон Республикасининг давлат бошлиғи ва Бош министри Муҳаммад ДОВУД жаноб олийларига

КОБУЛ

Сиз Афғонистон Республикасининг давлат бошлиғи ва Бош министри қилиб сайланганлигингиз муносабати билан самимий қутловларимизни қабул этгайсиз. Бизга дўст ва қўшни афғон халқининг бахт-саодати йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида таркиб топган чиннакам яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари иккала мамлакат халқлари ва ялпи тинчлик манфаатлари йўлида бундан бўён ҳам муваффақиятли равишда ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирамиз.

Л. БРЕЖНЕВ, Н. ПОДГОРНИЙ, А. КОСИГИН.

ФИДОКОРОНА ИЖОДИЙ МЕҲНАТ—МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ МАНБАИ

УКРАИНА ССР ПАРТИЯ—ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

26 июлда Киевда Украина ССР партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Бу йиғилишда халқ хўжалик плани ва Украина меҳнаткашлари 1973 йил учун олган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала қараб чиқилди.

Залга Украина Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Украина Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, Украина ССР Олий Советининг депутатлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, область комсомол комитетларининг биринчи секретарлари, касаба союзлари область Советларининг раислари, саноат корхоналарининг директорлари ва партия комитетларининг секретарлари, колхозларнинг раислари ва партия ташкилоти секретарлари, совхозларнинг директорлари ва партия ташкилоти секретарлари, илмий муассасалар, ижодий союзлар, матбуот, телевидение ва радио ходимлари тўпланишди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни зўр самимият ва узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг номидан қизғин, самимий табриклади.

Партиямизнинг Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, деди Ўртоқ Шчербицкий, Леонид Ильич Сизнинг раҳбарлигингизда ички ва ташқи сиёсат соҳасида, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш йўлида партия ва халқни сафарбар этиш учун ҳақиқатан ҳам буюк куч-ғайрат сарф қилаётганлигини ҳаммамиз биламиз. Бунинг натижасида Улуғ Ватанимизнинг иқтисодий қудрати кун сайин ўсиб, мустаҳкамланмоқда, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўси ўсиб бормоқда, совет Тинчлик программаси муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда, фан ва маданиятимиз гуллаб-яшнамоқда, совет кишиларининг жанговар қудрати, шахсий составнинг тобора ўсиб бораётган маҳорати ва юксак тайёргарлигининг кўриги сифатида нишонланади. Бу йил СССР Ҳарбий-Денгиз флоти куни партиямиз XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш давомида вужудга келган совет кишиларининг жуда катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида байрам қилинмоқда.

Шонли Ҳарбий-Денгиз флотимиз СССР Қуролли Кучларининг бошқа турлари билан биргаликда коммунизм қураётган совет халқининг тинч меҳнатини бузмоқчи бўлган ҳар қандай агрессорга зарба беришга доим тайёрдир.

У КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан қизғин, самимий табриклади.

Йиғилиш қатнашчилари Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси, деди Ўртоқ Шчербицкий, Леонид Ильич Сизнинг раҳбарлигингизда ички ва ташқи сиёсат соҳасида, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш йўлида партия ва халқни сафарбар этиш учун ҳақиқатан ҳам буюк куч-ғайрат сарф қилаётганлигини ҳаммамиз биламиз. Бунинг натижасида Улуғ Ватанимизнинг иқтисодий қудрати кун сайин ўсиб, мустаҳкамланмоқда, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўси ўсиб бормоқда, совет Тинчлик программаси муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда, фан ва маданиятимиз гуллаб-яшнамоқда, совет кишиларининг жанговар қудрати, шахсий составнинг тобора ўсиб бораётган маҳорати ва юксак тайёргарлигининг кўриги сифатида нишонланади. Бу йил СССР Ҳарбий-Денгиз флоти куни партиямиз XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш давомида вужудга келган совет кишиларининг жуда катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида байрам қилинмоқда.

Шонли Ҳарбий-Денгиз флотимиз СССР Қуролли Кучларининг бошқа турлари билан биргаликда коммунизм қураётган совет халқининг тинч меҳнатини бузмоқчи бўлган ҳар қандай агрессорга зарба беришга доим тайёрдир.

Йиғилиш қатнашчилари самимий қутиб олган Ўртоқ Л. И. Брежнев катта ва ёрқин нутқ сўзлади.

(Ўртоқ В. В. Шчербицкий доклади газетанинг иккинчи саҳифасида босилган).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқининг бошида Совет Украинаси пойтахтида ўзини ва ҳамроҳ бўлиб келган Ўртоқларни самимий қутиб олганликлари учун йиғилиш қатнашчиларига, шунингдек, барча киевликларга ташаккур билдирди. Буни биз, деди у, Украина меҳнаткашларининг шонли Коммунистик партиямиз Марказий Комитетига самимий ҳис-туйғулари ифодаси деб биламиз. Ўртоқ Брежнев йиғилиш қатнашчиларига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан саломлар ва энг яхши тилаклар топширди.

Бизнинг партиямиз, деди Ўртоқ Брежнев, мамлакатни идора қилувчи партиядир, бу эса партиямиз ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатнинг турли-туман жуда кўп масалаларини диққат марказида тутиши лозимлигини билдиради. Ана шу масалаларнинг энг муҳимлари, бутун фаолиятимизнинг асосий йўналишлари партия съездларининг ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларида белгилаб берилмоқда. Бу қарорларни бутун мамлакат меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, аввало, партиянинг ўз ички ҳаётига доимо эътибор бериб турибди. Партиянинг XXIII съездидан кейин ва айниқса XXIV съездидан кейин ўтган йиллар мобайнида партия сафлари анча ўсди, унинг сифат состави яхшиланди, аввало, партияга аъзо бўлган ишчилар проценти кўпайди. Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси шу йиллар мобайнида партиянинг иш услубини яхшилаш, партия ташкилотларининг ва ҳар бир коммунистнинг ташаббусини, ишга ижодий ёндашишини рағбатлантириш учун кўп иш қилдилар.

Ўртоқ Брежнев партиянинг ҳозирги вақтда ўз сафларида салкам 2,5 миллион коммунистни бирлаштириб турган Украина Коммунистик партияси сингари катта жанговар отряди КПСС сафларида муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлаб ўтди. Украина Коммунистик партияси — жуда мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган жуда кучли ташкилотдир. Бошқа республикаларимизнинг партия ташкилотлари сингари Украина Коммунистик партиясига ҳам КПСС Марказий Комитети тўла ишонч билан қарайди ва у ҳам ўз навбатида партиямизнинг умумий ишига, партия Марказий Комитетига чексиз содиқдир. Партиямиз сафларининг бирлиги ва партиянинг халқ билан яқин узвий алоқаси — мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши улуғвор программасини муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартидир.

Ўртоқ Брежнев иттифоқдош республикаларимиз Коммунистик партияларининг Марказий Комитетлари, область партия комитетлари, шунингдек район бўғинининг ходимлари — райкомларнинг секретарлари, заводлар, совхозлар, колхозлар, ўқув юртлари партия комитетларининг секретарлари, кун сайин омма билан бевосита алоқа қилиб турган ва улар ўртасида партия сиёсатини ўтказаётган бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг катта ва масъулиятли роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

КПСС XXIV съезди мамлакатимизни иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришнинг, совет халқи фаровонлигини оширишнинг муфассал программасини ишлаб чиқди, партиямиз билан Совет давлатининг ҳозирги шароитдаги тинчликсевар ташқи сиёсатининг асосий йўлларини белгилаб берди. Умуман олганда, биз съезд белгилаган программа муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда, деб айта оламиз.

Ватанимизнинг иқтисодий потенциалини ошириш учун кўп иш қилинмоқда. Саноат ишлаб чиқариши йил сайин ўсмоқда. Ватанимизда тўлиб-тошиб ётган фойдали қазилмаларнинг катта-катта ресурсларини совет халқига хизмат қилдириш мақсадида кенг истиқболни кўзлаб, муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. XXIV съезд тасдиқлаган планлар гарчи тигиз планлар бўлса-да, лекин совет кишиларининг қунт билан қилаётган меҳнати туфайли улар асосан муваффақиятли бажарилмоқда.

Халқ хўжалиги планига кўра, ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш совет экономикасини янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Ўртоқ Брежнев бу ишда мамлакатимизда, шу жумладан Украинада ҳам муайян камчиликлар борлигини уқтириб ўтди. Планга мувофиқ капитал қурилишга ажратилган жами маблағни муваффақиятли ўзлаштириш учун коммунистлар ва барча меҳнаткашлар зўр активлик кўрсатишлари, мусобақани муваффақиятли равишда авж олдиришлари, масъулият туйғуси билан ишлашлари, партия белгилаган планларни бажаришга қатъият билан киришишлари зарур. Тўққизинчи беш йилликда капитал қурилишга 501 миллиард сўм пул ажратилган, давлат бу мақсадларга илгари ҳеч қачон бунча кўп маблағ сарфламаган эди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ривожи, — деди Ўртоқ Брежнев, — партиянинг бу соҳада КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленумида ҳамда шундан кейинги съездларининг ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларида ишлаб чиқилган сиёсати билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ана шу сиёсатда кўзда тутилган асосий йўналишлари — деҳқончилик маданиятини оширишдан, уруғчиликни, мелиорацияни тўғри йўлга қўйишдан, минерал ўғитлардан кенг миқёсда фойдаланишдан, механизация даражасини оширишдан ва энг муҳими колхозчиларни ҳамда совхозларнинг ходимларини моддий жиҳатдан таъминлашни ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни тўғри ташкил этишдан иборат. Белгиланган йўлни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига давлат бюджетидан катта-катта капитал маблағ ажратиб берилмоқда. Шу маблағдан қишлоқ хўжалигимизни муттасил юксалтириш йўлида катта, янги қадам қўйиш учун оқилона фойдалана билмоқ керак.

Мамлакатимизда шу мақсадга эришиш учун кўп иш қилинмоқда. Партия XXIV съезди бўлиб ўтган пайтгача биз йилига атиги 55 миллион тонна минерал ўғит ишлаб чиқарган бўлсак, бу йил биз салкам 72 миллион тонна, бунинг устига юқори сифатли ўғит ишлаб чиқариш вазифасини ўз олдимизга қўйганмиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми қарорларига биноан ҳозир мамлакатда мелиорация ишлари кенг авж олиб кетди. Бу ишлар Украина ва бошқа республикаларда олиб борилмоқда. Биз Поволжьеда ирригация ишларининг комплекс планига алоҳида аҳамият бермоқдамиз, бу планнинг бажарилиши кўп миллионлаб гектар яхши ерларни мутасил мўл ҳосил олиладиган манбага айлантириш имконини беради. Ўрта Осиё республикаларидаги мелиорация кейинги йилларда пахтадан рекорд ҳосил олишимизга имкон берадиган омилларнинг бири бўлиб қолди.

Мелиорация ишларини пухта бажариш катта чиқим қилишни талаб қилади, албатта, бироқ бундай чиқимлар ўзини тўла-тўкис оқлаётганлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Кейинги йилларда мамлакатда шоли етиштиришни кенгайтиришга кўп меҳнат ва маблағ сарфланди. Ҳозир биз бу мураккаб вазифа муваффақиятли ҳал этилгани, деб айтишимиз мумкин.

XXIV съезд белгилаган социал тадбирлар программасининг бажарилишига, совет халқининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш сиёсатига КПСС бениҳоя катта аҳамият бераётганлигини Ўртоқ Брежнев таъкидлаб ўтди. Шу борада кейинги йилларда кўп иш қилинди. Бир қанча категориядаги меҳнаткашларнинг минимал иш ҳақи даражаси оширилганлиги, колхозчиларга пенсиялар белгиланганлиги, гражданлар бошқа группаларининг пенсия таъминоти оширилганлиги, ишлаб чиқаришдаги аёллар учун бир қанча социал имтиёзлар берилганлиги ва шу сингари тадбирларни эслатиб ўтиш кифоя қилади. Партия совет халқининг турмуш даражасини ошириш юзасидан партия XXIV съезди белгилаган тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

Сўнгра Ўртоқ Брежнев партиянинг гоявий-тарбиявий иши, халқ маорифи ва кадрлар билан ишлаш масалаларига тўхталди. Коммунистлар ва партиясизларнинг, айниқса ёшларимизнинг маданий савиясини ва сиёсий онглилигини ошириш тўғрисида гамхўрлик қилиш, деди у, партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Биз партиянинг ўз кадрларини тайёрлашга ҳам кўп эътибор бермоқдамиз. Партия ходимларини, парткомлар, райкомлар, шаҳар партия комитетлари секретарларини қайта тайёрлайдиган партия мактаблари ва курслари кенг кўламда ривожлантирилганлиги — кадрларимизга яхши ёрдам бермоқда. Биз партия кадрларига бундай таълим беришни келгусида ҳам давом эттираверамиз.

Биз ишчилар синфимизнинг умумий билим савияси доимо ошиб бораётганлигини катта ютуқ деб ҳисоблаймиз. Бу — замонамизнинг белгисидир, коммунистик қурилишнинг муҳим ҳисобларидан биридир.

Партиянинг кадрларга нисбатан тўғри сиёсат ўтказиши, ҳамма соҳалардаги кадрларга тўғри мунозабатда бўлиши жуда муҳимдир. Биз ходимларга ҳамма жойда меҳрибонлик, эътибор ва ҳурмат билан қараш билан уларга юксак талабчанлик қилишни қўшиб олиб боришга интилмоқдамиз. Ходимга яхши, одилона муносабатда бўлиш уни ишга рағбатлантиришнинг энг яхши усулидир. Аммо талабчанликни ҳам унутмаслик керак.

Раҳбар партия, совет, хўжалик кадрлари муқим ишламаса, тез-тез ўзгартириб турилса, бу — жуда ёмон. Бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилиш керак. Бироқ ёмон ишлаётган, ўз вазифаларини уддалай олмаётган кишилар ўз лавозимида ҳаддан ташқари узоқ ўтириб қолгани бундан ҳам ёмон. Бундай ходим ўз ўрнини анча билимли, анча талантли, анча сергайрат яхши мутахассис ва ташкилотчига бўшатиб бериши лозим. Иш манфаатлари ана шуни талаб қилади. Шу билан бирга яхши, ҳалол, фойда келтирадиган ходимларга гоят гамхўрлик билан муносабатда бўлиш зарур.

Ўртоқ Брежнев ўз нутқининг шу қисми охирида ҳамма муваффақиятларимизда партия белгилаб берган планларни бажаришда кенг меҳнаткашлар оммаси — коммунистлар, партиясизлар, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар ҳал қилувчи роль ўйнашини таъкидлади. Улар фидокорона ижодий меҳнат қилмасалар, биз коммунизм қурилишида ютуқларга эриша олмаган бўлур эдик.

Сўнгра, Ўртоқ Брежнев ўз нутқида ташқи сиёсатнинг баъзи бир масалаларига тўхталиб ўтди. Тинчликни ҳимоя қилиш, бошқа давлатлар билан бир-бирларининг ички ишларига мутлақо аралашмаган ҳолда тинч ҳамкорлик қилиш йўли партиямиз билан Совет давлати ташқи сиёсатининг В. И. Ленин давридан бери изчил йўли бўлиб келмоқда, деди у. Афсуски, империалистик агрессорлар бизнинг мамлакатимизга қарши бошлаган бир қанча урушлар, сўнгра социализм дунёсини иккалаб, қисиб қўйиш умидида бизга қарши бошланган «совуқ уруш» — ана шуларнинг ҳаммаси бизнинг тинч сиёсатимиз йўлида неча мартаба жиддий тўсиқларни вужудга келтирди. Агрессив империалист доиралар бошлаган «совуқ уруш» совет кишиларининг ҳамда социалистик қардошларимиз ва иттифоқчиларимизнинг асабига тегиш учун атайлаб қилинган бир найранг бўлди. Бизни ядро шантажи ёрдамида ҳамда ҳарбий блоклар ва ҳарбий базаларнинг бутун бир системасини вужудга келтириш йўли билан чўчитишга умид қилган эдилар.

(Давоми иккинчи бетда)

Л. И. БРЕЖНЕВ ФРАНЦИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ М. ЖОБЕР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

27 июль куни Қримда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Франция ташқи ишлар министри М. Жоберни қабул қилди.

Рамбуйеда олий даражада бўлиб ўтган Совет — Франция музокаралари давом эттирилиб, ҳозирги халқаро вазиятнинг бир қанча катта проблемалари, шу жумладан Европа хавфсизлигига таллуқли масалалар муҳокама қилинди.

Доимо мустаҳкамланиб бораётган Совет — Франция ҳамкорлигининг ва СССР билан Франция халқлари ўртасидаги дўстликнинг кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов; Франция томонидан — Франциянинг СССРдаги элчиси Ж. Вимон, Франция ташқи ишлар министрлигининг сиёсий маҳкамаси директорининг ўринбосари К. Арно, Франция ташқи ишлар министрлигининг сиёсий маҳкамаси матбуот ва ахборот бўлимининг мудири Р. Деле ҳозир бўлдилар.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ФРАНЦИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 27 июлда Кремлда Франция Республикаси миллат мажлисининг раиси Эдгар Фор бошчилигидаги миллат мажлиси делегациясини қабул қилди.

Самимий, дўстона суҳбат вақтида Совет — Франция муносабатларини ривожлантириш масалалари, бошқа халқаро проблемалар тўғрисида гаплашиб олинди. СССР билан Франция парламенти ўртасидаги алоқалар тўхтовсиз кенгайиб бораётганлигини иккала томон мамнуният билан таъкидлади.

Н. В. Подгорний Франция миллат мажлиси делегациясининг Совет Иттифоқига келиши иккала мамлакат ва уларнинг халқлари ўртасида ҳамма соҳалардаги анъанавий дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Суҳбатда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Советининг депутатлари Г. А. Жуков ва В. Л. Кудрявцев иштирок этдилар.

(ТАСС).

Я. КАДАР БИЛАН Т. ЖИВКОВ ЎРТОҚЛАР СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛДИЛАР

СИМФЕРОПОЛЬ, 28 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар дам олиш учун бугун Совет Иттифоқига келди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан дам олиш учун бугун Совет Иттифоқига келди.

ФИДОКОРОНА ИЖОДИЙ МЕҲНАТ — МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ МАНБАИ

(Боши 1- бетда).

Бизни муқаррар равишда «уруш ёқасида» туришга мажбур қилмоқчи бўлган эдилар. Шундай вазиятда тинч қурилиши давом эттириш ва тинч-тотув яшаш сиёсатига мудом содиқ бўлиб қолиш учун мустаҳкам асаблар керак эди. Бизнинг асабларимиз етарли равишда мустаҳкам бўлиб чиқди. Биз ўзимизнинг мудофаа Варшава шартномасидаги иттифоқчиларимиз билан бирга шундай мудофаа қудратини вужудга келтирдикки, натижада буржуа давлатларининг раҳбарлари биз билан дўқ-пўписа тилида гаплашиш мумкин эмаслигини, биз билан теппа-тенг, ақл-идрок, реализм ва ўзаро манфаатдорлик тилида гаплашиш лозимлигини тушундилар.

Эндиликда «Советлар томонидан уруш хавфи бор» деган сафсаталарнинг бемаънилигини ва биз билан ҳарбий сохадаги муҳофиклик йўли ҳеч қандай натижа бермаслигини кенг жамоатчилик доираларигина эмас, шу билан бирга энг катта буржуа давлатларининг мазкур раҳбарлари ҳам тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Бизнинг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча йўлимиз, шу жумладан, КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программаси эндиликда ҳамма жойда тушунилиб, ҳурмат билан қабул қилинмоқда. Эндиликда бизнинг давлатимиз билан худди шундай асосда музокаралар олиб бормоқдалар ва муҳим битимларни тузмоқдалар. Шу кунларда тинчлик мустаҳкамроқ бўлиб қолди. Советлар мамлакатининг обрў-эътибори эса мислсиз равишда ўсди.

Буларнинг ҳаммаси партиямиз сиёсатининг катта ғалабасидир. Буларнинг ҳаммаси — мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантириш соҳасида, унинг мудофаасини мустаҳкамлаш соҳасида партия ва совет халқи қилган катта ишнинг якунидир, КПССнинг халқаро майдондаги тўғри, ҳалол сиёсатининг, социалистик, дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан ҳардошларча ҳамкорликнинг, шунингдек бошқа ўнлаб тинчликсевар мамлакатлар билан яхши ҳамжиҳатлик ва биргалашиб ҳаракат қилишнинг якунидир.

Кейнги йилларда бизнинг қардош социализм мамлакатлари билан, Осиё, Африка, Латин Америкасидаги мустақил давлатлар билан муносабатларимиз ривожланиб бораётганлиги, шунингдек бизнинг ГФР ва АҚШ сингари мамлакатлар билан муносабатларимизда бурилиш содир бўлганлиги, Совет—Франция алоқалари муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги. Умумевропа кенгаши иш бошлаганлиги худди ана шундан далолат беради. Совет Иттифоқи билан энг катта капиталистик давлатлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга ва тинч ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қанча муҳим шартномалар ва битимлар, шу жумладан ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги Совет — Америка битими тузилди, бу битим ана шу иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар учунгина эмас, шу билан бирга бутун халқаро вазиятни ривожлантириш учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Тинчлик программасининг кўпгина бандлари моҳият эътибори билан ҳозиргача бажариб бўлинди ёки бажарилмоқда. Бошқа бандларни бажариш устида ҳали ишлашимиз ва кўпгина ишлар қилишимиз лозим.

Ўртоқ Брежнев Совет Иттифоқининг социализм мамлакатлари билан ва капиталистик давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг аҳамияти тўғрисида, Европада мустаҳкам тинчлик негизларини пухталаштирмоқ учун Умумевропа кенгашининг муваффақиятини таъминлаш вазифаси ҳақида гапирди.

Қардош социалистик давлатлар билан мустаҳкам ҳамкорлигимиз, ташқи сиёсатимизни мувофиқлаштириб олиб, келишиб ҳаракат қилаётганлигимиз биз учун ташқи сиёсат ишларида янада олга боришимизнинг энг муҳим шартларидан биридир, деди ўртоқ Брежнев. Бизнинг партиямиз бунга ғоят муҳим аҳамият бермоқда.

Пировардида ўртоқ Брежнев Украина ССР коммунистларини ва Украина Компартияси раҳбарларини республикани ривожлантиришда эришилган катта ютуқлари билан яна бир бор табриклади.

Лекин ана шу ғаплар ишдаги камчиликларни ва шу камчиликларни тугатиш зарурлигини унутиш учун асос бўлиб қолмаслиги керак, деди у. Мамлакатимизнинг ҳамма жойларида, шу жумладан Украинада ҳам камчиликлар бор, масалан, саноат маҳсулотининг сифати хусусида, енгил саноат билан озиқ-овқат саноати етарли суръатлар билан ривожлантирилмаётганлиги хусусида ва бошқа соҳаларда нуқсонлар бор. Украина коммунистлари катта ва мураккаб масалаларни ҳал этишга қодир эканликларини неча марталаб исботлаганлар. Улар бу камчиликларни ҳам муваффақиятли ҳал эта олишларига КПСС Марказий Комитети аминдир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи зўр эътибор бериб тингланди ва гулдурос, давомли қарсаклар билан кўп марталаб бўлиниб турди.

ЎРТОҚ В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ ДОКЛАДИ

Бепоён бутун совет мамлакатида бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам, деди у, жўшқин ижодкорлик меҳнати кенг қулоч ёзмоқда. Партиямизнинг бош йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда, коммунизмнинг моддий-техника базаси муваффақиятли суратда вужудга келтирилмоқда. КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорлари амалга оширилмоқда.

Совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги, партия билан халқ бирлиги доим мустаҳкамланиб боряпти. КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг бутун партиямизда ва мамлакатимизда партия ҳамда давлат раҳбарлиги ленинча принципларини амалга ошириш соҳасидаги собитқадам фаолияти туфайли яхши, ишчанлик, бунёдкорлик вазияти ва шу билан бирга талабчанлик вазияти вужудга келди. Буларнинг ҳаммаси совет кишиларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда, ишонч ва умидворлиги, янада фидокорона меҳнат қилиш иштиёқини оширмоқда.

Ўртоқ Шчербицкий, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: ташқи сиёсат соҳасидаги қулай вазият муваффақиятли суратда коммунистик жамият қуриш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу вазият партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитетининг КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан халқаро майдондаги актив, изчил ва собит қадам фаолияти натижасида вужудга келди. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг XXIV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев илгари сурган ленинча Тинчлик программасини, КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил апрель Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаётганлиги туфайли бутун тараққийпарвар инсониятнинг астойдил изза-тҳурмати ва самимий миннатдорчилигига сазовор бўлди. Бу эса унга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти» берилишида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Сўнгра ўртоқ Шчербицкий 1973 йил биринчи ярмида халқ хўжалик планларини бажаришнинг якунларига тўхталиб ўтди. Украинадаги корхоналар беш йиллик бошидан буён пландан ташқари қариб 3.5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотини реализация қилдилар, 1286 корхона ва саноат комплекслари, 23,4 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга тушириларди, саҳни 45 миллион квадрат метрдан энёд уй-жой фойдаланишга топширилди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари бажарилмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленумида берган йўл-йўриқлари, 1973 йилги халқ хўжалик планини мустаҳкамлашга оид бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги маълум қарорлар катта сафарбар қилувчи роль ўйнади.

Республика халқ хўжалигининг барча соҳаларида жуда катта резервлар бор. Биз бу резервлардан анча яхши фойдаланишимиз керак.

Сўнгра ўртоқ Шчербицкий айтдики, партия XXIV съезднинг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига мувофиқ, республикада колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ердан, асосий фондлардан самарали фойдаланиш соҳасида кўп иш қилинди.

Ҳамма жойда қишлоқ хўжалигининг дон етиштиришни кўпайтиришдан иборат энг муҳим ва энг асосий вазифасига ғоят катта эътибор берилди. Бу йил ҳосил олиш учун ғалла экинлари майдони 900 минг гектар кенгайтирилди. Кузги буғдой майдонларининг 70 процентидан кўпрогига энг серҳосил навлар экилди.

Ҳозирги вақтда Украина далаларида долзарб кунлар бошланди. Хўжаликларнинг кўпчилигида ўрим-йиғим уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Кўпгина колхоз ва совхозлар гектар бошига 45-50 центнер, бундан ҳам кўпроқ кузги буғдой ҳосили етиштирдилар.

Днепропетровск областидаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳосил ўрим-йиғими ва ғалла тайёрлашни уюштириш соҳасида зўр маҳорат ва собит қадамлик билан ишлаш намуналарини кўрсатмоқдалар. Бу область халқ хўжалик планини ва давлатга дон сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажарди. Қрим ва Запорожье областларининг колхоз ва совхозлари ғалла ўрим-йиғимини яхши уюштирдилар ва ғалла тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажардилар.

Яли дон ҳосили маккажўхоридан қандай ҳосил олинишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари буни яхши англаб, бу йил маккажўхори етиштириш борасида ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ғамхўрлик қилдилар.

Жойлардаги аҳволни, ғалланинг ҳолати ва ҳосил ўрим-йиғимининг боришини эътибор билан ўрганиб, область, партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари, қишлоқ хўжалик министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, бир қатор район ва хўжаликларнинг раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, биз Украина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросида шундай хулосага келдик: республикадаги колхоз ва совхозларда халқ хўжалик планига қўшимча равишда 85-100 миллион пуд ғалла сотиш ва **Ватан омборига жами камида бир миллиард пуд дон топшириш имконияти бор.**

Сиёсий жиҳатдан ва халқ хўжалиги нуқтаи назаридан ғоят муҳим бўлган бу вазифа республикадаги коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг шарафли ишидир. Биз бу вазифани муваффақиятли суратда ҳал этишимиз керак.

Биз шу хўжалик йилини тугаллар экамиз, келгуси йилда барча қишлоқ хўжалик экинларидан, аввало, ғалла экинларидан мўл-ҳосил етиштириш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилишимиз керак.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикамиз ҳам эришаётган натижалар КПСС Марказий Комитети партия XXIII ва XXIV съездлари белгилаб берган йўлни, Марказий Комитетнинг 1965 йил март ва 1970 йил июль Пленумларининг қарорларини изчиллик ва собитқадамлик билан амалга оширганлиги, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида кўп тадбирлар рўёбга чиқарилганлиги натижасида қўлга киритилди. Бу соҳада КПСС Марказий Комитетининг, очиқ айтиш керак, партиямиз Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг ҳизмати катта.

Сўнгра ўртоқ Шчербицкий ташкилий-партиявий ва оммавий сиёсий ишни такомиллаштириш вазифаларига тўхталиб ўтди.

Ўртоқ Шчербицкий докладининг охирида қуйидагиларни айтди: партиямнинг шу беш йилликка мўлжаллаб қўйган вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш ҳар биримизнинг меҳнатимизга, уюшқоқлигимизга, ишчанлигимизга, сабот-матонат ва зўр ғайрат билан меҳнат қилишимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Биз эришилган муваффақиятларга маҳлиё бўлмаслигимиз, ишга танқидий назар билан қарашимиз керак, хусусан партиямизга ёт бўлган хотиржамлик ва мақтанчоқликка йўл қўймаслигимиз лозим. Биз барча меҳнат коллективларида партиявий таъсирни янада кучайтиришимиз, ишлаб чиқаришда ҳар бир коммунистнинг авангардлик ролини янада юксак даражага кўтаришимиз керак.

Партиямиз, бутун совет халқи, чет эллардаги дўстларимиз шу кунларда РСДРП II съезднинг 70 йиллигини нишонламоқдалар. Большевиклар партияси шу съездда тузилган эди. Ленинчи партиямиз машаққатли, лекин шонли тарихий йўлни босиб ўтди. Партиямиз ҳамиша ўз мавқеининг юксак даражасида бўлди, совет халқини юксак чўққиларга, ғалабадан ғалабага бошлаб борди.

«Ленин ва у билан биргаликда жанг қилган ҳамда ғалаба қозонган кишилар, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — биз учун, социализм ва коммунизм қуриш даврининг большевиклари учун сўнмас, илҳомбахш намуна бўлиб келди ва шундай намуна бўлиб қолаверади».

Украина коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ленининг улуғ васиятларини бажара бориб, бутун партия билан, бутун совет халқи билан ягона сафда туриб, бундан буён ҳам КПСС XXIV съезди кўрсатма берган тўғри йўлдан оғишмай олга бораверадилар.

Ўртоқ В. В. Шчербицкийнинг доклади бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Музокараларда Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Ватченко, Кировоград областидаги «КПСС XX съезди» колхози трактор бригадасининг бошлиғи, нкин марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. В. Гиталов, Одесса область партия комитетининг биринчи секретари П. П. Козирь, С. Оржоникидзе номли «Запорожсталь» заводининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Д. Юпко, Украина Компартияси Харьков область комитетининг биринчи секретари И. З. Соколов, Киев областидаги Жданов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Г. Бузнецкий, Херсон область Каховка шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. А. Махлай сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар республика меҳнатчилари эришган муваффақиятлар тўғрисида гапирдилар. Тўрт орденли Совет Украинасининг барча меҳнатчилари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини, коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун курашнинг ҳамиша олдинги сафида бўлишларини айтдилар.

Улар партиянинг, унинг Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг ички ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги буюк фаолиятини қизғин маъқуллаётганларини изоҳ этдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан муфассал қарор қабул қилинди. Украина қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу йил давлатга камида бир миллиард пуд дон сотадилар, деб ўртоқ В. В. Шчербицкий докладида билдирилган ишончни йиғилиш қатнашчилари яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. (ТАСС).

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

27 июлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Франция ташқи ишлар министри Мишель Жобер ўртасида музокаралар бўлди.

Совет Иттифоқи билан Франция қизиқтираётган кўпгина халқаро проблемалар дўстлик руҳида ва ҳар икки томоннинг қарашлари жуда яқин бўлган бир вазиятда қараб чиқилди. Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ва анъана бўлиб қолган дўстликни янада ривожлантиришга қатъий қарор берилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳар икки томон Совет Иттифоқи билан Франциянинг сиёсий мавзуларда мунтазам маслаҳатлашиб туриши муҳим эканлигини таъкидладилар. Бундай маслаҳатлашувлар халқаро кескинликни тобора юмшатиш, Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликни таъминлаш мақсадларига хизмат қилади.

* * *

27 июль куни Москвада, Ленинские Горидаги қабул маросимлари ўтказиладиган уйда фан ва техника соҳасида ўн йилга мўлжалланган Совет — Франция ҳамкорлигини кучайтириш программаси имзоланди. Совет Иттифоқи билан Франция ҳукуматларининг топшириғига мувофиқ программани СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг раиси В. А. Кириллий билан Франция ташқи ишлар министри Мишель Жобер имзоладилар.

Имзолаш чоғида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди (ТАСС).

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари ўртоқ П. Н. Демичев 27 июлда Куба Республикаси миллий кенгаши раиси ўртоқ Луис Павон Тамайо бошчилигидаги шу республика маданият арбоблари делегациясини қабул қилди. Делегация Монкадо казармалари штурм қилинган кунининг 20 йиллигига бағишланган Куба маданияти кунларида қатнашмоқ учун келган.

Самимий дўстона суҳбат чоғида СССР билан Куба Республикаси ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фикрлашиб олишди.

ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИ ОСТИДА

27 июль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси депутат И. Г. Анисимкин олиб борди.

Депутатлар республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Бир қанча заводларнинг раҳбарлари доклад қилдилар.

Доимий комиссия хўжалик раҳбарларининг диққат-эътиборини қишлоқ хўжалик машиналари, ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд резервлардан ғўлароқ фойдаланиш зарурлигига қаратди. Депутатлар, жумладан, машинасозларга айрим цехларни реконструкция қилиш ва янги технікани ишга тушириш суръатларини жадаллаштиришни, машиналардан фойдаланиш коэффициентини оширишни, эскириб қолган машинаускуналарни тезроқ алмаштиришни, сермеҳнат жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишини кучайтиришни, кадрлар, айниқса ёш кадрларни тайёрлашни яхшилашни тавсия қилдилар. (ЎзТАГ).

ЎРТОҚ А. А. ГРЕЧКОНИНГ РОСТОВ ОБЛАСТИДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри ўртоқ А. А. Гречко уч кун мобайнида Ростов областида бўлди. КПСС область комитетида у Ростов области ва шаҳри партия ҳамда совет ходимлари билан учрашди.

Ўртоқ А. А. Гречко «Ростсельмаш» заводида бўлди, уни реконструкция қилиш қандай бораётганлиги ва янги «Нива» дон комбайнларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги ишлар билан танишди. Ростов шаҳри яқинидаги хўжаликларга борди.

Область бўйлаб қилинган сафарда КПСС область комитетининг биринчи секретари И. А. Бондаренко, область партия комитетининг иккинчи секретари Н. М. Иваницкий ва КПСС Ростов-Дон шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Головец ўртоқ А. А. Гречкога ҳамроҳлик қилдилар. (ТАСС).

ЮГОСЛАВИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан мамлакатимизда дам олаётган Югославия коммунистлар союзи Президиуми бюроси ижроия комитетининг аъзоси Т. Куртович билан Югославия коммунистлар союзи Президиумининг аъзоси Д. Беловскийни 28 июлда қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда меҳмонларга Ўзбекистон меҳнаткашларининг экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган ютуқлари, республика партия ташкилотининг фаолияти ҳақида гапириб берилди.

Меҳмонлар ўз навбатида Югославия меҳнаткашларининг социалистик қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида гапирдилар.

* *

Югославия коммунистлар союзи Президиуми бюроси ижроия комитетининг аъзоси Т. Куртович ва Югославия коммунистлар союзи Президиумининг аъзоси Д. Беловский бир неча кун мобайнида Ўзбекистон меҳнатчиларининг ҳаёти билан танишдилар. Улар Тошкентдан ташқари Самарқандда ҳам бўлишди. (ЎзТАГ).

ТАЖРИБА ЎРГАНИШДИ

Миср Араб Республикаси Араб Социалистик иттифоқи Марказий Комитетининг аъзоси, Халқ мажлиси депутати Аҳмад Юнус бошчилигидаги ана шу иттифоқ активлари делегацияси КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан 18 июлдан 27 июлгача Совет Иттифоқида бўлди.

Меҳмонлар Москвадан ташқари Ленинградда ва Ўзбекистон да ҳам бўлдилар. Араб Социалистик иттифоқи делегацияси КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги ва халқаро бўлимларида, КПСС Ленинград область комитетида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди, улар бир неча қишлоқ корхоналарига боришди. Араб Социалистик иттифоқи делегациясининг аъзолари Совет Иттифоқида бўлган чоғда КПССнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги партиявий иш тажрибаси билан танишдилар. (ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

КПСС ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ТАНТАНАСИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ УКРАИНА ССРга ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ ЧОҒИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ ҲАҚИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Киевда Украина ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқи халқаро майдонда катта қизиқиш туғдирди. Барча қитъаларнинг матбуоти бу нутқни батафсил баён қилмоқда ва нутқдан нақллар келтирмоқда. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг газеталари, радиоси ва телевиденияси нутқнинг барча совет республикалари меҳнаткашларининг мустаҳкам иттифоқи ва миллий қардошлигига, СССР халқ хўжалигининг ютуқлари ва асосий вазифаларига, Коммунистик партиянинг совет халқларидан ҳар бирининг мазмунан социалистик, шаклан миллий ва интернационал руҳдаги маданиятини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигига тааллуқли қисмларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Чет эл матбуоти Л. И. Брежнев нутқининг ташқи сиёсат қисмига муҳим аҳамият бермоқда.

Германия Демократик Республикасининг газеталари Л. И. Брежнев нутқининг батафсил баёнига доир сарлавҳаларида қуйидагиларни таъкидлайдилар: «Ленинча тинчлик сиёсати жуда катта муваффақиятларга эришди», «Тинчлик программаси амалга оширилмоқда», «Брежнев янги даврга асос қўйилди, деди», «Берлинер цайтунг» газетаси «Совет Иттифоқининг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг кескинликни юмшатишга қаратилган сиёсати барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади», деб уқтириб ўтади.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг органи «Трибуна люду» газетаси ёзади: «Л. И. Брежневнинг нутқида ҳозирги вақтда жаҳондаги энг мураккаб проблемаларни куч ишлатишга ва куч қилишга йўл қўймаслик ва ҳеч қандай ҳолда ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид этишга мурожаат қилмай туриб, уруш қилмай туриб, тинч йўл билан ҳал этиш мумкин ва лозим экаанлигига ишонч билдирилди». Варшавада чиқадиган «Жолнеж вольности» газетаси Л. И. Брежнев нутқининг ташқи сиёсатга бағишланган қисмига тўхталиб, «Совет Иттифоқи КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасини халқаро майдонда муваффақиятли суръатда амалга оширмоқда», деб таъкидлайди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг матбуотлари ҳам, Ғарбий Европа мамлакатларининг матбуоти ҳам Л. И. Брежневнинг хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгашининг иши ҳақида айтган ғаплари муҳим эканлигини қайд қиладилар. Кўп газеталар таъкидлаб ўтганидек, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари уруш бўлмайдиган Европа ҳақида, Европа давлатларининг барча халқларга наф келтирадиган тинч ҳамкорлигини ривожлантириш учун оқилона шарт-шароит вужудга келтириш тўғрисида гапирганида, ҳамманинг орзу-тилакларини ифода этди.

Чет эллардаги кўп обзорчилар Л. И. Брежнев муайян доираларнинг «буюк» давлатларни ёки ҳатто «ўта буюк» давлатларни ўрта ва кичик давлатларга қарама-қарши қўйиш йўлидаги уринишларини фош қилди, деб таъкидламоқдалар. Бу муносабат билан Парижда чиқадиган «Юманите» газетаси уқтириб ўтганидек, СССР ва социалистик мамлакатлар барча давлатларнинг бир-бирини ҳурмат қилишга, уларнинг ҳар бирининг суверен ҳуқуқлари ва территориялларининг дахлсизлигига қатъий риоя қилиш ва уларнинг ички ишларига аралашмасликка асосланган тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини ёқлаб чиқмоқдалар. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ ТЕКСТИ ТАРҚАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 28 июль. (ТАСС). СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Украина ССРга Халқлар дўстлиги ордени топшириш маросимида 26 июлда Киевда сўзлаган нутқи текстини матбуот ҳужжати сифатида тарқатди.

Визитлар тугалланди

ПАРИЖ, 27 июль. (ТАСС). Покистон президенти З. А. Бхуттонинг Францияга қилган визити тугалланди. З. А. Бхутто пайшанба куни ярим кечада бу ердан Исломободга жўнаб кетди. Покистон президенти Францияда бўлган вақтида Франция президенти Ж. Помпиду билан учрашди.

Покистон президенти Францияга боришдан олдин икки кунлик расмий визит билан Англияга борди. Бу ерда у Англия ҳукуматининг таклифига биноан меҳмон бўлди. Англия бош министри Э. Хит ва ташқи ишлар министри А. Дутлас-Хьюм билан бўлган суҳбатлар давомида Покистон президенти иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга доир проблемаларни, Ҳиндистон ярим оролидаги аҳволни, шунингдек бошқа халқаро проблемаларни муҳокама қилди.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ҲАҚИДА

ЛОМЕ, 27 июль. (ТАСС). «Ленин партияси 70 ёшга тўлди» — ана шу сарлавҳа остида «Того-Пресс» газетаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси фаолиятига бағишланган катта мақолани босиб чиқарди. Мақола газетхонларни Россияда жаҳонгаз пролетар партиясининг вужудга келиш тарихи, КПССнинг ташкилий тузилиши билан таништиради. Мақолада КПСС фаолиятининг чуқур интернационал характери, жаҳон революцион ҳаракатининг ривожланишига ўтказаётган таъсири алоҳида қайд этилади.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИСЛАНДИЯДА

РЕЙКЬЯВИК, 27 июль. (ТАСС). Исландия альтингининг таклифига биноан бу ерда 21 июлдан 26 июлга қадар СССР Олий Советининг делегацияси жавоб визити билан меҳмон бўлди. Делегацияга СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов бошчилик қилди.

Визит вақтида делегация альтинг ишлари билан танишди. Бир қанча саноат корхоналари, маданий ва илмий муассасаларни бориб кўрди. Исландиянинг шимолига сафар қилди.

Делегация альтинг раҳбарлари, Исландиянинг давлат, сиёсий арбоблари, савдо-сотиқ доираларининг вакиллари билан бир неча бор учрашди.

Президентнинг адъютанти ўлдирилди

САНТЬЯГО, 27 июль. (ТАСС). Ўта ўнг ташкилотларга мансуб бўлган қуролли террорчиларнинг бир группаси Чили президентининг ҳарбий-денгиз адъютанти капитан Артуро Арайа Мартинни ўлдирди. Чили ҳукуматининг расмий хабарида шу ҳақда гапирилади.

Полиция жиноятчиларни кидириш ва ушлаш чораларини кўрмоқда.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинди

НЬЮ-ЙОРК, 27 июль (ТАСС). АҚШнинг энг йирик шаҳарларидан бири Лос—Анжелосда автомобиллардан ёниб чиққан газ билан ҳавонинг ниҳоятда хавфли даражада ифлосланганлиги муносабати билан фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Калифорния маъмурларининг буйруғи билан Лос-Анжелосдаги деярли ҳамма федерал муассасалар ёпилди. Бу муассасаларда юз мингга яқин киши ишлайди. Калифорния штатининг губернатори Р. Рейган штат маъмурларига тегишли бўлган автомобиллардан фойдаланишни ман қилди, шунингдек шаҳар аҳолисига мурожаат қилиб, уларни Лос-Анжелос районида машиналарда юрмасликка чақирди.

СЎЗ ВА ИШ БИР БЎЛСИН

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Район пахтакорлари бу йил 63 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олишган. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Карл Маркс номли колхоз гектаридан 40 центнердан, кўплаб бригадалар эса 55-60 центнердан пахта етиштиришга ваъда қилганлар. «Москва», Куйбишев номли, Ленин номли колхозлар оширилган мажбуриятлар қабул қилиб, дала ишларини намунали ташкил этмоқдалар.

Карл Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Кўмаков бошлиқ бригадасида ғўза бир текисда ривожланмоқда, чеканка эрта-индин туталланади. Ғўзага «шарбат» оқизилянти.

Сувчилар билан механизаторлар ўртасида меҳнат интизоми яхши ташкил этилган. Ғўза парвариши юзасидан берилган топшириқлар ҳар беш кунда муҳокама қилиб борилади. Зарбдор 50 кунлиқнинг ҳар соати унумли ишлаш билан ўтказилмоқда.

Ишни яхшиа уюштириб, ҳосилга-ҳосил қўшаётган бундай илғор бригадалар анчагина бор. Лекин умуман олганда, Пастдарғом районида аҳвол яхши эмас. Ғўза парвариши олинган юксак мажбуриятга яраша ташкил қилинмаган. Чунончи, «Правда» колхозини олайлик. Гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган бу колхозда 600 гектар паст ғўза бор. Бунинг устига, баъзи карталарни бегона ўтлар босиб ётибди. Суғоришдан кейин қатор оралари юмшатилмаган. Ғўзани қондириб суғориш ва қўшимча озиқлантиришга юзаки қаралмоқда. Культивациянинг сифати паст. Баъзи бригадаларда чуқурлиги 7 сантиметр ва кенглиги 15 сантиметр культивация қилинаяпти. Мавжуд ишчи кучлари дала ишларига тўла сафарбар этилмаган. Далада ишловчилар орасида меҳнат интизоми бўш. Нормани бажармовчилар кўп.

«Ленинизм» колхозида ғўзани озиқлантириш агротехника қоидаларига хилоф равишда кечиктириб ўтказилган. Бунинг устига, суғориш «шарбат» билан олиб борилмаяпти. Маҳаллий ўғитлар номига йўл атрофларига тўкиб қўйилган. Колхоз раиси О. Номозов, бош агроном Э. Абдуллаев ўртоқлар ким келса кўпдан бери иссиқда ётган ва ярми хашак бўлган маҳаллий ўғитларни кўрсатиш билан кифояланмоқда.

Районда сув етарли. Лекин ундан фойдаланиш кўнгилдагидек эмас. Кўпчилик колхозларда сув олиш графиги бажарилмаётир. Хозиргача учинчи суғориш тугалланмаган. Калинин номли колхозда графикдаги 180 ўрнига 140 киши сув қўйяпти. «Ўзбекистон», «Коммунизм», Киров номли колхозларда ғўзалар чаппақ ётгани ҳолда, сув иккинчи даражали экинларга колхозчиларнинг томорқаларига бериляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, районда ғўзани чеканка қилишга етарли аҳамият берилмаётир. Районда 8 минг колхозчи билан кунига 2 минг гектар, 112 та машина билан камида 800 гектар ердаги ғўза чеканка қилиниши керак, қилинган чеканка эса бунинг ярмисига ҳам бормаяпти. Калинин номли колхознинг 1390 гектар ғўза майдонидан энди 88 гектарида чеканка ўтказилган, холос. «Правда», «Ленинизм», Киров номли колхозларда ҳам аҳвол худди шундай. 27 июлгача мавжуд 112 та чеканка машинасидан фақат 38 таси ишга солинган.

Баъзи жойларда ғўзага ҳашарот тушган. Унинг олдини олиш тадбирлари кўрилмаган. Жумладан, «Комсомол» колхозида шундай ҳол юз берган. Хўжаликнинг талай майдонидаги ғўза ўргимчаккана билан зарарланган.

Биз беда ўриш, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ишлари билан ҳам қизиқдик. Райондаги 3 минг гектар беданинг энидигина 700 гектари учинчи марта ўриб олинган. Киров номли колхозда 323 гектар ердаги бедадан фақат 3 гектари, «Правда» колхозида 143 гектардан 21 гектари ўрилган, холос. Ильич номли совхозда ва Калинин номли колхозда эса беданинг учинчи ўрими ҳамон бошланганн йўқ.

Текшириш якуни район партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида муҳокама қилинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ғўза парваришини кучайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди

Р. ХЎЖАЕВ—Бухоро область, Шофиркон район партия комитетининг раиси, ўзаро текшириш группасининг раҳбари, Х. ЗАРИПОВА—Ғиждувон район Ўлфатбиби қишлоқ Советининг раиси, ўзаро текшириш бригадасининг аъзоси, Л. ЭРГАШЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Долзарб кунлар нафаси

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент области. Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Ульянов бўлими пахтакорлари бу йил давлатга 3520 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Жами пахта майдонининг 95 процентини машина теримига ажратган бўлим азаматлари терим агрегатларининг ҳаммасини тахт қилиб қўйдилар. Бугун-эрта чеканкани тугаллайдилар. Суратда: бўлимнинг катта агрономи С. Хидиралиев ва бригада бошлиғи С. Сандазимов чеканканинг сифатини текширмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

МАШИНА ТЕРИМИГА ҲОЗИРЛИК

Республикада ҳосили машинада териб олинадиган пахта далаларини баҳолаш ва ажратиш ишлари ниҳоясига етказилди. Ўтган йилдагига нисбатан бир юз эллик минг гектар кўп — 1 миллион 200 минг гектар пахтазорнинг ҳосили «зангори кема»лар ёрдамида териб олишга ажратиб қўйилди. Механизаторлар беш йилликнинг учинчи йилида пахта териш машиналарининг бункерларидан хирмонга 2,5 миллион тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишган.

Ҳосили машинада териб олинадиган далаларнинг ҳаммасида ғўзага ўғит солиш ишлари тугалланди. Колхозлар ва совхозлар ғўзани дефолиация қилишга ҳозирликни бошлаб юборишдилар. Қишлоқ хўжалик авиациясининг самолётлари учун қўниш майдончалари ва химикатлар ташиб келтириладиган жойлар белгиланди. Бу йил экинларни ердан тўриб химиявий ишлаш усули янада кенг қўлланилади. «Ташхимсельмаш» заводи колхозлар ва совхозларга қариб икки минг дона юқори унумли чанглатгич-пуркагич машиналар жўнатди. Хўжаликлар кўплаб бошқа аппаратлар олишдилар.

ЯНГИ КОРХОНА

ФАРҒОНА. Пойафзал фабрикаси учун материал етказиб берувчи Урта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири — Қўқон хромчарм заводининг биринчи навбати бугун муддатидан олдин фойдаланишга топширилди.

Топширилган комплекс ҳар йили олти юз минг шартли теринн дастлабки ишлаш учун мўлжалланган. Терн бу ердан яна ишлаш учун бош корпусга келиб тушадн. Ҳозир бу ерда мамлакатда ва чет элларда ишлаб чиқарилган машина-ускуналар монтаж қилинмоқда. Қурувчилар ва монтажчилар асосий корхонани муддатидан икки ой илгари — Октябрь байрами арафасида топшириш мажбуриятини олдилар.

Завод 195 миллион квадрат дециметр хром-товар ишлаб чиқаради. Бу эса, ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги барча ана шундай корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот миқдорига қариб тенг келади.

Чеканка қизғин

Оқдарё район колхозлари ва совхозлари ғўзани машина билан чеканка қилишда Самарқанд областида ташаббус кўрсатмоқда. Бу ерда бултур умумий майдонинг 60 процентдан анёдроги шу усулда чеканка қилинган эди.

Район хўжаликларида бу йил 17 минг гектардан ортиқ ғўзани машина билан чеканка қилиш планлаштирилган. Шу кунларда пайкалларда 160 та чеканка қиладиган машина оралаб юрибди. Кейинги уч кун ичида Карл Маркс номли колхозда 170 гектар, «Москва» колхозида 157 гектар ғўза машина билан чеканка қилинди. Юқори ҳосилли Карл Маркс номли колхозда 13 машина бу ишга тўла туширилган. Н. Муҳаммадиев, З. Невараев бошқараётган машиналар айниқса унумли ишламоқда. Ҳар бир машина кунига 8 гектар ва ундан ошиқ майдонни чеканкадан чиқармоқда.

— Бултур, — дейди «Москва» колхози раиси Н. Жўраев, — 1500 гектар ердаги ғўзани машина билан чеканка қилгандик. Бу йил ҳамма майдонни, яъни 1930 гектар ғўзани машина билан чеканка қилишга киришдик. Ҳозир колхозда 19 та чеканка қилиш машинаси ишлаяпти. Ғўзани чеканка қилишни тез кунларда тугаллаймиз. Бу тадбир ҳар бир тупдаги гулни тўқ қўсакка айлантириш ва машина теримини ўз вақтида муваффақиятли ўтказиш имконини беради.

Меҳнат ғалабаси

Узбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли корхоналарнинг коллективлари тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, товар маҳсулотларни реализация қилиш юзасидан 1973 йил етти ойлик планнин муддатидан илгари бажардилар.

Ой охирига қадар пландан ташқари кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади.

⊙ Самарқанд область саноат ходимлари 1973 йилда ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми бўйича етти ойлик планнин муддатидан илгари бажардилар. Ой охирига қадар пландан ташқари кўп миқдорда саноат маҳсулоти реализация қилинади. 7 ой мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврида нисбатан 4 процентдан кўпроқ ортади.

⊙ Сирдарё областидаги саноат корхоналарининг коллективлари тўққизинчи беш йиллиги ҳал қилувчи йили топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш етти ойлик планнин муддатидан илгари бажардилар. Коллективлар ўз имкониятларини чамалаб, ой охирига қадар планга қўшимча равишда бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Шаҳрисабз районининг колхоз ва совхозлари қозир кунига пландан ташқари ғалла ортилган карвонларни қабул пунктларига жўнатишмоқда. Деҳқонлар 12 минг гектар майдондаги бошоқли экинни ўриб олиб, механизациялашган хирмонларда қороғи тушгунча янчилган донни тозаламоқдалар. «Пахтакор» колхозининг меҳнаткашлари ўрим-йиғимни яхши якунладилар. Етиштирилган юқори ҳосил деҳқонларга икки йиллик планни бажариш, ураглик ва озуқа фонди жамғариб қўйиш имконини берди.

Уз далангдаги донни ўриб олдингми, қўшнингга ёрдам бер. Бу шиор «Қизил юлдуз» колхозининг механизаторлари учун қонда бўлиб қолди. Комбайнчилардан Ҳуррам Раҳматов билан Тоғай Тўраев ўз хўжаликлари далаларида ғалла ўрим-йиғимини муваффақиятли адо этиб, «Правда» колхозига ёрдам беришга қарор қилдилар. Улар вақтни қўлдан бой бермай, техниканн қўшни участкага тезда келтириб, ишни бошлаб юбордилар.

Қашқадарё областидаги иккинчи бир район — Чироқчи районн ҳам ўрим-йиғимни тугаллади. 76 минг гектар майдоннинг ғалласи ўриб олинди. Ана шу гектарларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 7 центнердан дон берди. Бу ўтган йилдагидан кўп. Охунбобоев номли совхоз, Оқунбобоев номли, «Москва» колхозлари беш йилликнинг учинчи йилига белгилаган марраларн— оширилган социалистик мажбуриятларни бажаришига яқин қолди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

Асқад МУХТОР

МЕН ҲАЁТНИ ЎРГАНАМАН...

ДОНБАССЛИК ЕЗУВЧИ ДЎСТИМ ГЕННАДИЙ ГОЛОВИНГА БАҒИШЛАДИМ

ҲИКОЯ

Илк бўса, биринчи муҳаббат, дейдилар. Билмасмн, биринчи китоб деган гап ҳам бор. У ҳам, назаримда, шулар қатори.

Биринчи китобим чиққан кунлар ёдимда. Худди ширакайф бўлиб юради одам. Атроф гўзал, ҳаммага ёқимтойсиз, қизлар ҳам фақат сизга қараётгандек бўлади. Умримда ашула айтмаган одам, ўша кунн «Яллама-ёрим»нн ванг қўйиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Ҳаёт мунча ширин! Бундан буён ҳамма яхши нарсалар, бутун дунё ҳам, шон-шуҳрат ҳам, келажак ҳам гўё бари — меники. Тоғни талқон қиладиганман. Мендан кучли. мендан бахтли, мендан чиройли одам йўқ...

Биринчи китобдан кейин ҳовлиқиб кетадиган ёшларга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Бу ҳеч гап эмас экан. Мени бу фалокатдан бир воқеа қутқазиб қолган.

Босар-тусаримни билмай юрган кунларим денг. Эрта баҳор эди шекилли. Нордон, ҳом олмани ғарчиллатиб тишлаб газета редакциясидан чиқаётсам, Ҳамдам қора дуч келиб қолди.

Ҳамдам қора эски ошнам, конда ишлайди; газета топшириғи билан Олинтопганга бориб юриб, у билан калин бўлиб қолганман. У чиндан ҳам қоп-қора. Бунинг устига, чўтир. Бир қарашда, худди чўтирига кон ғубори ўтириб қолгану, тузукроқ ювса кетадигандек. Аслида эса ундай эмас, аслида ўзи шунақа, кўкимтир қора Хунуклиги етмагандек, ошнам яна ўлгудай дағал. Ичида гапи бўлса, юзингда кўзинг борми демай, айтиб солаверади.

Мана шу одам кулдек совурди-да менинг қувончларимни. Бир оғиз гапи билан хафсалам пир бўлиб, шалвирадим-қолдим.

— Ўқидим, бўлмайди китобинг, — деса бўладими даб-дурустдан. Юзимга лой сачрагандек кўзимни пирпиратиб тикилиб турдим-у, нима дейишн ни билмай, «ҳе, сен нимани тушунасан!» деб шартта қайрилиб кетмоқчи эдим, билагимдан олди. Қўполнинг панжаси ҳам шунақа қўполки, оғрикдан жаҳлни ҳам унутаёзибман.

— Нима дейсан, нимага бўлмайди? — дедим.

Афтимга қараб, раҳми келдими, ўз қўполлигини сездими, ер чизиб секинроқ гапирди.

— Бўлмайди-да, ёқмади... нима десам экан...

— Китоб ўқийсанми ўзинг? — мен баланд келабошладим.

— Ўқиб тураман. Бунн бўлса, сенинг исмингни кўриб, олган куним кечасиёқ ўқиб чиқдим.

Менга қайта жон кирди: ўқибди-ку, ўша кечасиёқ қўлдан қўймай ўқиб чиқибди. Яна нима керак бу тўпорига. Очеркларим муҳаррирга ёққан, танқидчига ёққан.

— Хўш, — дедим бўш келмай, беписандроқ, тескари қараб.

— Шу-да. Хафа бўлма. Силлиқ, ура-ура, олам — гулистон, баландпарвоз гаплар. Кончилар унчка эмас, сен уларни билмайсан.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим.

— Нимасини билишим керак?

—Ҳеч бўлмаса бирон... фазилатини, хулқ-атворини; бу ғалати халқ, сен билмайсан.

— Сен биласанми?

— Биламан.

— Бўлмаса ўзинг ёз.

— Қани энди, сендек, ёзишни билсам, — деб биринчи марта кулиб қаради у. Кулса бутун хунуклиги қаёққадир йўқ бўлади-қолади ошнамнинг. Ҳайтовур, тан оляпти-ку. Шундан кейин менинг ҳам жаҳлим сал босилиб, узоқ ўйлаб қолдим. Шу хилда гап-сўзсиз ниёбонгача боримиз ҳам, скамейкага ўтиримиз ҳам, билмайман. Ҳаёлимда Ҳамдам қораннинг гаплари: кончилар... Ғалати халқ. Фазилати, хулқ-атвори... Бизнинг журналистлар, ёзувчилар бир-бирининг нуқсонини бу хилда юзига солмайди. Бу қора бўлса... Тўсатдан калламга бир фикр келди, Ҳамдамнинг чўтир юзига қарадим: ё шу юз-хотир қилмасликнинг ўзи ҳам бир фазилатмикан-а?

— Нима қил дейсан? — энди вслимга келиб, маслаҳат сўраб қолдим.

— Билмадим, — деди Ҳамдам қора, — бошқатдан ёз, ёрдам берайлик.

— Йўқ, ёрдаминг керак эмас, ҳали ҳам... — «раҳмат» дейишга бўйним ёр бермади, — мен ўзим бориб ўрганаман ўша «ғалати халқ»ингни.

— Бориб ўрганиб бўлмайди, улар билан бирга яшашинг, иложи бўлса бироз ишлашинг керак.

— Кончи бўлиб-а? — ҳунарим йўқ дейиш ўрнига панжаларимни ёйдим.

— Ўргатамиз. Мана менинг бригадамга аъзо бўласан-у, ишлай берасан, бир ой, икки ой, қанча керак бўлса.

Мен ўзим ҳам кутмаган жойда негадир қувониб кетдим.

— Ростданми? Бригаданга олласанми?

Бу кучли, таниш одам ҳимоясида мен чиндан ҳам ишлашим, кончилар ҳаёти билан ишганча танишишим, кейин эса янги катта китоб ҳам ёзишим мумкин эди. Буларнинг ҳаммаси бирдан кўз олдимга келиб, ўрнимдан туриб кетдим. Қарасам, Ҳамдам қора катта қўпол панжасини ёйиб менга қўл узатиб турибди. Қарс этиб кафтига урдим.

Ҳамдам худди шуни кутиб турган экан, иш пишгандан кейин жўнаб қолди. Шу пайт менинг ҳаёлимга бир шубҳа келди:

— Менга қара, бўлмайди, — тўхтатдим уни. — Кончиларинг менинг ёзиш ниятимни билса... менга қара, бундай йўл билан уларни ўрганиб бўлмайди.

— Ёзувчи эканингни айтмаймиз-да, — деди Ҳамдам.

— Ким деб таништирасан бўлмаса?

— Ҳа, топармиз ахир, боравер-чи, — деди-да шошганча қўл силкиб жўнаб қолди.

Редакциядан икки ойлик ижодий отпуска олиб, икки кундан кейин етиб борсам, Ҳамдам мени кадрлар бўлимида аллақачон расмийлаштириб ҳам қўйган экан. Бригаданинг ишга чиқадиган пайти етаклаб олиб кетди. Қарасам, шахтанинг лифти олдидаги майдончада йигирматача йигит бригадирни кутиб турибди.

— Мана, ўртоқлар, бригадамизга янги аъзо, ишга ўргатасизлар, — деб Ҳамдам менинг елкамдан тутди. Йигитлар менга бошдан-оёқ тикилишди.

— Ўзи ким, қаерда ишлаган экан? — деган овозлар чиқди.

Ҳамдам ўйлаб ўтирмай, илжайди-да:

— Магазинда ишлаган экан, жиндак айб қилиб қўйибди, меҳнатда ўзини оқламоқчи! — деди.

Гапни қаранг. Елғон-ку барибир ёлғон, бошқа ёлғон қуриб кетганмиди-а! Одамни шарманда қилди-ку! Ҳамдам қора бу фантазияни илгаридан ўйлаб қўйганмиди, ҳозир калласига келдими, ишқилиб, роса қовун туширди. Менинг бутун кўргиликларим мана шундан бошланди.

Туппа-тузук илжайиб турган йигитлар қандалага қарагандай бир жирканиб мендан кўзларини олишди, гўё мен йўқ, кўрмай қўйишди. Фақат баъзиларигина заҳарханда, таъна аралаш гап ташлашарди.

— Ҳа, магазинда жиндек ўмарган эканлар-да...

— Бизнинг конимиз турма эмас эди-ку, бригадир?!

Ўзимни қаёққа қўйишни билмайман, «ёлғон?» десам, иш бузилади. Кўзимни ердан олмай, чидашга қарор қилдим; кулги, ҳақорат давом этарди:

— Ҳунари кўп экан-ку, яна буни нимага ўргатамиз?

— Синчалоқ билан тарози палласини босиш эмас, ишлаш керак бу ерда, чидармикан?

— Конни ўмариб кетмасин тағин.

— Жим! — деб бақирди Ҳамдам қора. Шу бир гапи билан чиндан ҳам жим бўлишди. Обрўси бор экан. Лекин энди менга ҳеч ким қарамас эди.

— Оти нима экан? — деди суяги бузуқ йўғон бир сариғ йигит энди босиғроқ гапириб.

— Йўлдош, — деди Ҳамдам.

Ҳалиги йўғон йигит газаб билан бетон плитага туфлади. Бошқалар хоҳолаб кулиб юборишди.

— Мен отимни бошқа қўяман, — деди ҳалиги сариғ жирканиб. Тушундимки, унинг ҳам оти Йўлдош экан, ор қиляпти.

— Отингни бошқа қўйишга шошма, — деди бригадир, — мана бугундан бошлаб адашингни ёнингга олиб, иш ўргат, кейин бир гап бўлар.

Йўлдош беўхшов гавдасини четга олиб, бир нималар деб норози ғудранди. Лекин, кўринишдики, бригадирнинг буйруғи қонун эди. Жимлик чўкканда мен яна аянч аҳволда қолдим. Бошларига каска, оёқларига қўпол этик, брезент коржома кийган бу проходчиклар олдида мен шумшайган, кичкина, ҳимоясиз кўринар эдим. Ҳўрлигим келиб кетди. Ер ёрилса, ерга кириб кетар эдим, деб турсам, ҳақиқатан ҳам ер ёрилди — тикка проходканинг эшиги очилиб, қоронғи қаъридан гувиллаганча лифт чиқиб келди. Кимдир оёғим тагига каска билан брезент китель ташлади. Тезда кийиб, ҳамма қатори лифтга кирарканман, вужудимни қутсиз бир- вақт қамради. Темир лифтнинг сурони, атрофимда одамларнинг говури, қаҳқаҳаси эшитилиб турмаса, ер қаърининг зах совуғи юракни ўвиштириб, одамнинг вақимада дод солиб юборишн ҳам ҳеч гап эмас. Шув этиб пастга тушиб кетдик.

Бир жойда эшик очилиб, Йўлдош менн тортди, қизил чироқ ёниб турган майдонга чиқдик, лифт яна ўз йўлида пастлаб кетди. Бизнинг иш жойимиз чакка томиб турган тикка забой эди. «Бунисн пневматик юкчи, бунисн бадья, бунисн — осма насос» деб Йўлдош ҳавфсаласи келмайроқ менга бир нималарни кўрсатди-ю, уққан бўлсам ўлай агар. Мен бу ғорда ўзимнинг руҳий ҳолатим билан банд эдим, нафас етмаётганга ўхшарди. Бу ўйлайвергандан шунақа экан. Кейин иш кўпайиб кетгач, бу ҳиссиёт йўқолди. Бизнинг ишимиз — вақтинча истеҳкомларни олиб ташлаб, доимийсини қуриш учун бетон қабул қилиш эди. Лекин смена бошидаёқ ишкал чиқди, опалубка тешилиб, бетон сизиб чиқа бошлади. Ҳар тўрт минутда тепадан тушадиган бетон тўла бадьяни қабул қилиш билан бир вақтда опалубкани тузатиш мушкул эди. Нима қилиш керак? Йўлдошнинг йўғон бўйнидан шаррос тер тўкилди, бу ишкални у мендан кўрарди шекилли: биринчи кундан қадамим ёқмади.

Тешилган опалубкаинг оралиғига қарадик: қоронғи, зах ўпқон.

— Туш! — деб бақирди Йўлдош. Мен гаранг бўлдим, бу жаҳаннам қудуғига тушиб бўладими? Тепадан бадья келиб қолса-чи? Ё мени калака қиляптими?! Лекин Йўлдошнинг кўзида ғазаб, яна бақирди:

— Туш деяпман!

Мен бу тор оралиққа одам тушиши мумкинлигига ҳамон ишонмасдим.

— Кўрқяпсанми? Ўгрилик қилишдан қўрқмаганмисан?! Туш!

Бу гапларни эшитишдан жаҳаннам қаърига ташлаган яхши. Менинг ҳам иззат-нафсим бор, ахир. Шартта тушиб кетдим, нима бўлса бўлар. Бу тор оралиққа ҳақиқатан ҳам Йўлдош семиз ўзи тушолмас эди. Оёғим тегиши билан суюқ бетон этигимни суғирабошлади, елкамдан заиглаган сув оқиб турибди, айланиб бўлмайди. Опалубканинг қайрилган темирини ўрнига қўйишим керак, орага тош тиқилиб қолган. Тирноқ қайрилди шекилли, кафтимга бир нима илиқ тегди, кўриб бўлмайди, қоронғи. Ҳали ҳеч нарса ҳам қилолганим йўқ эди, тепада қизил бадья кўринди, у тош аралаш қоришмани тўкиб-сочиб, устимга бостириб келяпти... Бир этигимни бетон суғириб олди. Намиққан кийимим пастга тортиб кетяпти. Тепада Йўлдош бақиради, ҳавфли, дўлдами — тушунмяйман, дармон қуриди. Худойим-ей, шу ерден ўлигим чиқмеса-да. Бақирворгим келади: «Ҳой, барзанги, мен ёзувчиман! Ўғри эмасман! Нима қиляпсан, қутқаз!» Лекин йўқ, биламанки, бақирган билан бари бир эшитилмайди. Ундан ташқари, шу аҳволимда ҳали ор-номус ҳам бор: чидайман, сир бермайман! — деб тишимни тишимга босаман Оралиққа тиқилганча ёним билан ётибман, бадья очилса тириклай кўмилиб қўяқоламан. Лекин бадья негадир очилмади, қонаган қўлим билан тош-бетонни тозалаб, опалубка темирини қайириб жойига туширдим. Бир вақт қарасам, тепамдаги бадьядан бетон ўрнига занжир осилиб тушяпти. Англадимки, тортиб чиқаришмоқчи. Занжирга осилиб, чала ўлик ҳолда чиқиб келсам, Йўлдош бетон тўла бадьянинг автоматик равишда очиладиган туб қопқоғини икки қўллаб ушлаганча, оғирлик зўридан ёрилиб кетгудай, бўзариб турибди, мушаклари ўйнаб, бўйин томирлари кўкариб, бўртиб чиқибди. Мен чиқишим билан қўйиб юборган эди, бетон шовуллаб тушиб кетди. Мени деб, азамат, бир ярим тонна бетонни беш минут ушлаб турган экан. Меҳрим ошиб кетди унга. Лекин шу маҳалдаёқ менинг ночор аҳволимни кўриб:

— Қалай? Ҳа, магазин эмас бу ер... — дедию, яна руҳимни сўндирди. Зўрга турибману, галини қаранг, бунча ёмон кўришади?! Тавба, ўгрилик қилиб қўлга тушганларни турмага ҳамаш эмас, шуларнинг қўлига топшириш керак экан, азоброи шифо!

Таҳқир, калава ётоқда ҳам давом этади. Мен конда, иш вақтида ҳар қандай жисмоний эзишларга розиман, аммо оғзаки хўрлашларига сира чидаш мумкин эмас. Улар мендан кулиб ҳордиқ чиқарадилар. Шу ерда ётибману, худди кўрмаётгандай, мени учинчи шахсда атаб гапирадилар.

— Магазинчи қалай? Рудани тарозидан ўриб қолаётгани йўқми? — деб сўрашади Йўлдошдан. У ярамас ҳам, менинг барча азобларга чидаб сидкидил ишлаётганимни била туриб, биронтасининг жағини тийиб қўймайди.

— Ўзи қанча ўмарган экан, сўрадингми?

Бу гапларга Ҳамдам қораннинг ўзи ҳам ҳингир-ҳингир кулади чўтирини бўзартириб. Қилғиликни қилиб қўйиб, бирон марта ёнимга ҳам тушгани йўқ. Ўзини ҳали топиб, «жўрттага қиляпсанми, ўлдирдинг-ку, чорасини топ» десам, энди ишқага қайтиб бўлмайди, ҳаётни ўрганавер, дейди. Ўлсин, ҳаётни ўрганиш шунақа бўладиган бўлса. Одамни одам демайди бу хумпарлар. Аскиядан зерикиб, фалсафага ўтиб кетишади, худди мен йўқдай.

— «Меҳнат тарбияси» деган гапга мен мутлақо қаршиман, — деди Жаббор дегани кулгидан жағи чарчагач, каравотга чўзилиб.

— Хў-ўш! — дейди Ҳамдам унинг ҳозир фалсафа сўқишини олдиндан билгандай, чўзиб.

— Нега десанг, меҳнат — юксак тарбия кўрган юксак ахлоқли кишиларнинг олижаноб иши. Унга текин томоқларни аралаштирибсан, сафимизни бузгаш яхши эмас.

Баландпарвоз гапини қаранг! «Юксак тарбия кўрганнинг битгаси сеимисан!» демоқчи эдиму, қўрқдим. Меҳнат масаласига келганда буларга бир нима деб бўлмайди, айниқса менга ўхшаган «юлғич». Еб ташлашади. Ҳали ҳам ҳайрият; сафсатага ўтиб кетишди, деб вақтимна бўлса ҳам кутилганимдан хурсанд, пусиб ётибман.

— Сенингча, аввал насиҳат билан одам қилиб, кейин ишга қўйиш керакми? — дўнгиллади бесўнақай адашим. — Меҳнатсиз одам бўлиб бўпти! Меҳнат маймунни ҳам одам қилган. Энгельсни ўқиш керак, файласуф!

Унинг гапи ҳамма вақт дангал ва қатъий. Лекин фалсафа бобида бари бир Жаббоннинг оғзига қарайди. Жаббор бугун меҳнат фақат соф одамларгагина муяссар бўлиши кераклиги ҳақида узоқ гап сотди. Менинг сменадан кейинги аҳволимни биласиз, бу ячуқур мулоҳазаларр қулоққа киредимм! Ётибман чала мизғиб.

Менинг ҳақимда гап давом этарди:

— Одамга ишонш керак, — дерди Ҳамдам қора. У қилар ишни қилиб қўйиб, энди бу ҳақоратомуз гапларни юмшатишга урнарди. Лекин гап юмшамади.

— Ишонч ҳазилакам гап эмас. Ишончни қозониш керак, — деди Жаббор.

— Одамга ишониш мумкин. Маймунга эса...

Мен шу кечадан бошлаб лақабим маймун бўлиб кетади деб жўда қўрқдан эдим. Чунки менга адаш бўлишдан ор қилган Йўлдошга бу айниқса қўл келарди. Аммо, йўқ, унчаликка боришмади.

Биз ётоқда беш кишимиз. Ҳамдам, Йўлдош, Жаббор, мен, яна бир бўш кароват ҳам бор, эгасини ҳали кўрганим йўқ. Буларнинг гапидан билдимки, унинг оти Тўлаган экан, ораларида хурмати жуда баланд, исмини аталганда қандайдир эзгулик сезилади овозларида. Ё катта одам, ё мўйсафид бўлса керак.

— Жаббор, қоронғи тушгунча эшик олдидаги устунга чиқиб, лампочка қўйиб туш, — буюрди бригадир.

— Ана, Йўлдош чиқсин! — деди ётган жойидан «файласуф».

Мен? Нима аҳволда ётибману, тоқатим борми? Анани Йўлдошни айтаётгандир.

— Гапни қисқа қилинглар, Тўлаган илтимос қилган, — деди Ҳамдам.

Шу маҳал, Тўлаганнинг отини эшитган ҳамоноқ Жаббор ҳам, Йўлдош ҳам сакраб туриб қўшни монтёр боланинг темир тирноқларини елкалаб, чиқиб кетишди. Ажабо, бу Тўлаган деганлари бригадирдан каттароқ бошлиқлардан экан шекилли, дедим ичимда.

Эртасига сменадан кейин бир бола кириб келди ётоққа, ўзи чуваккина, ўсмирларга хос курак суяклари чиққан, лекин гавдаси барвақт пишиб, елкалари энди кенгайиб келаётган, рангпарроқ бир йигитча эди. Ҳамма уни ўраб олди, кичкинагина гавдаси бу баразанги проходчикларнинг орасида қолиб кетди.

Тўлаган мана шу экан...

— Беш! — деди у ҳамманинг юзига қараб. Кейин қорғин товуш билан қўшиб қўйди. — Охиргиси қолди... Энг оғири.

Проходчиклар ортиқча завқ-ҳайрат кўрсатишмади. Ҳамма, елкасидан оғир юк тушгандай енгил тортди-ю, Тўлаган қаҳида қандайдир ташвиш кўланкаси юзларида ҳамон бор эди.

(Давоми 4-бетда).

МЕН ҲАЁТНИ ЎРГАНАМАН...

[Бошы 3-бетда].

Кейин билсам, Тўлаган бригадада ишлаб туриб, политехника институтига имтиҳон топшираётган экан. Назаримда, уни «полк ўғли»дек, ўз бағирларидан институтга узатишни жуда исташар эди. Аммо Тўлаган иккита имтиҳонни топширганида отаси ўлиб қолибди. Ота бечора, бизнинг оилаан ҳам бир билимдон чиқсин, деб васият қилган экан. Лекин аза кунлари Тўлаганга сўнгги имтиҳонларни топшириш жуда оғир бўлиб қолибди. Энди, мана, охиргиси... Бу воқеага биринчи дақиқаданоқ мен ҳам бенхтиёр хайрихоҳ бўлиб, чин дилдан қўшилиб кетдим.

Бу КЕЧАСИ Тўлаганнинг тумбочкаси тепасида чироқ ўчмади. Мен суякларим зирқираб толиққан бўлсам ҳам, ухлай олмадим. Тўлаганнинг ранглар юзи китоб тепасида шамдан ясалган ҳайкалдек қимир этмай турарди. Мен отасини эслаяпти, йиғлаворгаси бўлгани деб, чўчиб ётдим. Йўқ, йиғламади. чирогини ўчирмай тонг оттирди. Фақат мен ухламай чиқдим десам, аҳволдан ҳамма хабардор экан.

Эртасига Йўлдош мени бир чеккага чақириб:

— Мен бугун сменага чиқмайман, ишда йўқлигимни билдирсанг! — деб муштини иягимга сал тегизиб, пўписа қилди. Хўп, дедим.

Кейин нарироқда унинг бригадирдан шаҳарга жавоб олаётганини эшитдим.

— Уша имтиҳон оладиганларга ўзим бориб тушунтириб келаман, — дерди лўмбоздай муштини яноб. — Бўлмаса, бу хумпарлар боланинг кулфатидан бехабар, қийнаб ўтиришади.

— Ўзи айтмабди-да?

— Тўлаган айтармишми? Шафқат сўрайдиганлардан эмас.

— Борганингни билмасин, — деб тайинлади Ҳамдам Йўлдошга жавоб бериб.

Уч кундан кейин Тўлаган охирги имтиҳонни ҳам «5» га топшириб қайтди. Энди бу қўпол тўнгаклар ҳам қувончларини яширолмай қолишди. Лекин Тўлаган шу ондаёқ ҳаммасини ҳайратга солди:

— Сиртқига ўтиб келдим! — деди у китоб-дафтарларини ташлаб.

Ҳаммамиз ўтириб қолдик.

— Ана халос! Бу қанақа ахмоқлик!

Тўлаган ҳам ўтириб бош эгди. У ётоқдошларидан «ахмоқ» сўзини тугул, берироғини ҳам эшитган эмас эди.

— Ахир, ҳаммаси «беш» эди-ку?!

— Шунча азоб, бунча уйқусиз кечалар! Институт деб қоқ суяк бўлиб қолдинг-ку, ярамас!

— Ахир, мен институтга кириб келдим-ку, — дейди Тўлаган йиғлагудай. У бундай гапларни кутмаган экан чоғи.

— Биласанми, чумчуқ нима? — деб қолди Йўлдош бесўнақай «томдан тараша» қилиб. — Чумчуқ ҳам булбулнинг ўзи. Лекин у консерваториянинг сиртқи бўлимини битирган экан.

Бирдан портлаган қаҳ-қаҳа ётоқхонани зирилладтиб юборди. Тўлаган ҳам кулди. Унинг икки ҳафтадан бери биринчи кулиши эди, ёшини артди.

— Ахир мен... касбимни ташлаб қаёққа бораман, — деб чинакамига йиғлаб юборди.

Шунда унинг конда қолиб сиртдан ўқиши чиндан ҳам маъқул эканини ҳамма сўзсиз тан олди. Тўлаган портлатувчиликда яқинда биринчи разряд олган эди. У шу касбини гапиряпти, аслида «сизларни ташлаб қаёққа бораман» демоқчи эди, айтолмади, проходчиклар орасида бундай чучук гапириш одат эмас.

Мен ҳам келгуси китобим ҳақида ўйлаганимда, аҳволим жуда оғир бўлишини кўз олдимга келтираман. Юзаки қараганда дағал бўлиб кўринган бу одамлар ҳаётида кўп нозик томонлар бор, лекин бунн чучмал гаплар билан айтишдан сақланган маъқул; лекин қандай гаплар билан айтиш керак, мен у сўзларни топа олармиканман?

Буларнинг ғазаби ҳам, меҳри ҳам чегарасиз. Ҳозир ҳамма илжайиб қараб турган Тўлаганга ҳавасим келиб кетди. Менга ҳам бир куни илжайишармикан? Гоҳо шундай ёқ ости қилишадики, хўрлигим келиб, «ҳай, инсонлар, мен ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ» дея можаро солиб йиғлаб юборгим келади. Лекин эўр бериб ўзимни тияман: буларнинг ҳулқи ҳақида калламда у бу тасаввур туғила бошлади, ишни бузиш ярамайди, чидаш керак.

Кундузлари зах ер қаърида оғир, нотаниш ишлардан қийналсам, кечалари ўз ўйларим билан азоб чекардим. Ўйларим эса энди кўпроқ бўлғуси китоб ҳақида эмас, ўз тақдирим ҳақида эканини пайқаб қоламан. Мен ҳам касб орттиряпман, бир куни келиб болалар менинг кимлигимни билишар, ўшанда, енгил-елпи кун кечириш шайдоси эмаслигимни билишганда, уларнинг қанчалик қувонишини энди кўз олдимга келтира оламан. Мен ҳам Тўлаган сингари, улардан ажралолмай шу ерда қолиб кетмасам ҳали...

Лекин у кунларга анча-мунча бор, чоғимда. Мана, тағин сменага отланяпмиз, қўпол этик пошнасини дўқиллатиб тратуарда кетаётган проходчиклар орасидаман, уларнинг рўй-рост дашномлари бироз камайган бўлса ҳам, ҳали тугаган эмас. Бунинг эвазига мен ниманидир, сўз билан айтолмасам ҳам, сезиб турибман, ниманидир билиб олдим.

Ҳамдам қоранинг айтгани ҳам шу бўлса, эҳтимол...

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТИ

ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

КИТОБХОНЛАР МАМНУН

ДЎСТЛАРИМИЗ АДАБИЁТИ

Фарғонадаги марказий китоб магазини ҳар доим гавжум бўлади. Бу ерга областнинг Марғилон, Қўқон, Қувa, Ўзбекистон, Ўхунбобоев районлари ва бошқа жойлардан ҳам китобхонлар тез-тез келиб туришади. Магазинда дўст социалистик мамлакатларда нашр этилган адабиётлар учун алоҳида бўлим ташкил этилиши китобхонларни айниқса мамнун этди.

Жавонларга терилб қўйилган турли мавзудаги катта-кичик китоблар орасида Польша, Болгария, ГДР, Руминия ва Вьетнамлик адиблларнинг асарларидан намуналар бор. Ишчи-хизматчилар, колхозчи ва студентлар Гейне, Гёте, А. Зегерс асарларини, коммунистик ҳаракатнинг йўлбошчиларидан, болгар халқининг содиқ фарзанди Г. Димитровнинг нутқлари тўпламини, «Вьетнам» фотоальбомини севиб олишяпти. Энди фарғоналиклар баъзи китоблар учун олис шаҳарларга буюртма бериб юришмайдиган бўлди.

К. ВИННИК.

ЧЕВАРЛАРИМИЗ ДОВРУҒИ

«БЕҲЗОД»—СУРИЯДА

Шаҳрисабзлик чеварлар қўлидан чиққан буюртмалар мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам маъқул-у маъзур бўляпти. «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасида яратилаётган «Санама», «Чизма» ва «Совға» каби сермикло дўппиларга талаб ортиб бормоқда. Корхона коллективи ўз маҳсулотлари билан халқаро ярмаркаларда бир неча бор иштирок этиб, томошабинларни мафтун қилган ва совриндор бўлишга эришган. Улар қўлида сайқал топган «Беҳзод» нусҳали гулдор гиламлардан Сурининг Дамашқ ҳамда Польшанинг Познань шаҳарларида очилган халқаро ярмаркаларга жўнатилди.

Ҳ. БЕРДИЕВ.

МУХЛИСЛАР ХИЗМАТИДА

АНДИЖОНЛИКЛАР МЕҲМОНИ

Андижонлик санъатсеварлар ҳузурига Наманган область Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат музикали драма театри ижодий коллективи ташриф буюрди. Наманганликлар бир ойлик сафар чоғида қўшни областнинг шаҳар, қишлоқ, район ва колхозларида бўлиб санъат ошиқларига турли спектакллар, катта программада концерт номерлари кўрсатишди. Мазкур гастроль билан боғлиқ афишаларда «Фақат 24 соат», «Бир қизга минг ошиқ», «Ҳалима», «Гулсара» каби саҳна асарларининг номлари қайд қилинди. Намойиш этилган ҳар бир спектакль ва концерт номерларидан мухлислар мамнун бўлишди.

Б. ЗОКИРЖОНОВ,
С. МУЙДИНОВ.

КАСБИМ — ФАХРИМ

МУКОФОТГА—МАШИНА

Қўқон суперфосфат заводи коллективи корхонанинг 25 йиллик юбилейини муносиб нишонлади. Узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган илғор ишчи-хизматчиларнинг, ветеранларнинг номлари тантанали кечада тилга олинди. Пешқадамларга завод партия ташкилоти ва маҳаллий комитетнинг ёрлиқлари ва қимматли мукофотлари берилди. Совғага лойиқ кўрилганлар орасида Ҳ. Қўшматов, Р. Курбонов, О. Маматов, Е. Александрович, В. Ғозиевлар бор. Уларга юбилей кечасида «Жигули» енгил автомашинаси берилганлиги эълон қилинди.

Қ. МАДУМАРОВ.

ЖИГАРБАНДЛАР УЧРАШУВИ

ЎТТИЗ УЧ ЙИЛ ДЕГАНДА

Улуғ Ватан урушқ бошланган кезлар Деҳқоновлар оиласида бир қиз, уч ўғил ёлғиз қолган эди. Оилага бошчилик қилиш Қодиралининг гарданига юкланганди. Уруш, ўт-оловли йилларда нималар бўлмайди дейсиз. Ўғлонлар Ватан мудофаасига отланган бир пайтда Деҳқоновлар оиласига бош бўлиб қолган Қодирали ҳам беш эди-да. Унинг укалари Тўланбой билан Султонбой ва сингляси Ҳайринисолар бир-бирларини йўқотиб қўйдилар.

Ҳайринисо бир нема одамлар эшигида тарбиланди. Ниқоят камолот ёшида Ленинград районидаги Янгиқўрғон қишлоғига яхши одамлар томонидан турмушга узатилди. У эсини таниб-билиб акаларини қумсайди, жигарбандларини излашни ўйлайди. Лекин ҳеч каердан акалари ҳакида хабар топмади. Бир куни Фарғона областининг Риштон районига келди. Калинин номли колхознинг Ўйчи қишлоғида Сайдиҳалимхўжа исмли отахон билан учрашди. Кўпин кўрган бу кекса Ҳайринисога Фарғона каналн ёнидаги Кипчоқ қишлоғига боришни маслаҳат берди. Афтидан, гўдан ҳолида кўча кезиб кетган Ҳайринисо ўзи туғилган Кипчоқ қишлоғини унутганди. Отахонинг таклифи билан шу қишлоқда акалари ҳакида дастлабки хабарни топди.

Ҳайринисо қишлоқ кўчаларини кезиб юраркан Ш. Ҳожиматова исмли аёл билан сухбатлашиб қолди. Маълум бўлишича, Ҳайринисога нисбатан бирмунча ёши каттарок Ҳожиматова жигарбандларини кидираётган жувонни таниган. Улар бир пайтлар қўшни бўлиб яшаганлар. Ҳожиматова Ҳайринисони тўғри уйига олиб борди. Ҳайринисо не кўз билан кўрсинки, дарвозада акаси Султонбой турарди. Акасингил 33 йил деганда ана шундай топишдилар. Ҳайринисонинг катта аёзи Қодирали эса шу ерда. Султонбойнинг уйи каршисидаги хонадонда истиқомат қиларди. Бир-бирларининг меҳрларига қонган жигарбандлар энди биргалиқда учинчи ўғил Тўланбойни излашга аҳд қилишди. Уларнинг толеига учинчи ўғил ҳам топилиб қолса ажабмас.

А. СОБИТОВ.

БОҒЛАР САХОВАТИ

УЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

«Қибрай» боғларида сайр этганмисиз?! Таъми тилингизда қоладиган шарбат меваларидан татиб кўрганмисиз?! Айниқса, шу кунларда боғларга файзу-барака ёққан. Қирмизи олмалар қўбўда товланиб ётибди. Шохларни маржондек безаб турган олхўри ҳилқил пишиб, ўз сохибкорига таъзим қилаётгандек...

Совхоз боғларида бу йил олма мўл бўлди. Боғбонлар шаҳарликлар дастурхонига 1822 тонна олма етказиб бериш иштиёқида меҳнат қилишяпти. Эртаги олмалар пешма-пеш терилаётир. Шу кунгача 365 тонна олма териб олинди ва 223 тоннаси Ватанимиз пойтахти — Москвага, Урал ва Сибирнинг саноат шаҳарларига юборилди. Кибрайликлар олисдаги қардошларига яна 520 тонна олма жўнатадилар.

Олхўризорларда ҳам иш қизғин. Олхўри тераётган Ленора Уметова, Зулхабира Ҳузахмедова, Дилбар Охунбеваларнинг қўлиқўлига тегмайди. Орадан жилла ўтмай, кўлларидаги сават олхўри билан тўлади. Қизларнинг бири уларни авайлаб ящикларга соляпти. Марям Эрматова ва Мария Беловалар эса уларни саралашяпти.

— Шу кунга қадар москваликларга ва монгол дўстларимизга 60 тонна олхўри совға қилдик, — дейди совхоз партия комитетининг секретари Иброҳим Исмоилов.

Совхозда фақат олма, олхўригинамас, узум ҳам баракали бўлаётир. Ҳар навдадаги шигил-шигил ҳосил бундан далолат беради. План бўйича 5638 тонна узум топширилиши керак. Лекин сохибкорлар ҳосилнинг бўйиқлигини ҳисобга олиб 7 минг тонна узум топириш мажбуриятини олдилар. Кибрайликлар узум ҳосилини ҳам москваликлар, ураллик, сибирлик биродарлар билан бирга бахам кўришмоқчи. 600 тонна сара узумни қардошлар дастурхонига тортиқ қилиш учун тайёргарлик кўришяпти. 500 тонна узумни эса тошкентликларга юборишмоқчи.

Совхозда шафтоли ҳам сероб. Барқ пишган эртаги шафтолилар терилиб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Шафтолизорлардан 60 тонна ўрнига 120 тонна ҳосил олишмоқчи. Бу йил гилос ва қулупнай ҳосили ҳам мўл бўлди. Шаҳарлик дўстларга 82 тонна қулупнай ва 204 тонна гилос етказиб берилди.

Совхоз боғларида йилдан-йилга мева ва узумдан мўл ҳосил олинмоқда. Шавкат Оҳмуллаев, Абдулла Эргашев, Владимир Альферов, Душанбой Ғойпов, Саиджалил Хайбуллаев, Меҳриддин Мирзаахмедов, Тоир Велишаев, Умри Улуғхўжаева каби сохибкорлар борки, улар боғларнинг ҳақиқий «табиб»ларидир.

Эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўкин-сочин қилиш учун курашиб, ажойиб муваффақиятларни қўлга киритаётган Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози сохибкорларига ҳар қанча офарин айтса арзийди.

Ю. ЗИЁДОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратда: совхознинг илғор ишчиси Ф. Турсунбоева олма теряпти.

А. Тўраев фотоси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«ШАЙТОН» ДАРАХТ

Шимолий Африкада «шайтон дарахт» деган дарахт ўсади. Унинг пўстлоғида кўп миқдорда фосфор бўлганлиги сабабли дарахтнинг танаси ва шохлари ўзидан ёруғлик чиқаради. Кечалари бу дарахт остида ҳатто китоб ҳам ўқиш мумкин.

УЛКАН ЧУМОЛИ

Янги Гвинеяда улкан чумолилар яшайди. Чумолилар жаглариии шу қадар каттиқ қисишадики, уларни асло бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу чумолиларнинг ана шу хусусиятидан халқ хирурглиясида яраларни тикиш учун фойдаланиладн. Яранинг четлари бир-бирига тортилиб, унга чумолини олиб келиб қўйишади. Чумоли жаглари билан яра учларини тишлаб қисгач, унинг танаси узиб ташланади. Яра битгунга қадар чумоли жаглари яра устида туравераднр.

ОМАДЛИ БАЛИҚЧИЛАР

Ҳиндистоннинг Пўри қишлоғи балиқчиларининг омади келди. Улар узунлиги 6 метр, оғирлиги эса салкам 1 тонна келадиган қилич балиқни тутишди.

ПИШГАН БАЛИҚ

Экватор Африкасида жойлашган Киву кўли яқинидаги Китуро вулқони тез-тез отилиб турадн. Унинг найноқ чўғлари кўлга оқиб тушиб, сувни 80 градусгача иситиб юборади. Ана шундай пайтларда маҳаллий аҳоли кўлдан пишган балиқларни тутиб олишаверади.

ТИШ ОҒРИҒИНИНГ ФОЙДАСИ

Туркиялик 30 ёшли деҳқоч Юсуф Офкан 15 ёшида кўр ва кар бўлиб қолган эди. Бир куни унинг тиши оғриб қолди. Юсуф врачга мурожаат қилди. Врач унинг чапдаги юқори жаг тишини олиб ташлаганида, Юсуф ҳушидан кетиб қолди. Ўзига келганида эса шодлигидан қичқириб юборди. Чунки у яна эшитадиган ва кўрадиган бўлиб қолганди.

ЭНГ ИССИҚ ЖОЙ

Ер юзидаги энг иссиқ жой Ливиянинг Триполи яқинидаги сахрода қайд қилинди. Бу ерда ҳаво ҳарорати соя жойда 58 даражагача кўтарилади.

ҚАДИМГИ ЯШИН ҚАЙТАРГИЧ

Дастлабки яшин қайтаргичлар бундан 3300 йил бурун қадимги Мисрда пайдо бўлган эди. Яшин қайтаргичлар кема мачтаси шаклида бўлиб, уларнинг тепа қисми олтиндан ясалган.

(«АЗИЯ И АФРИКА СЕГОДНЯ» журналидан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

Биринчи программа. 9.25—ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — фильм-концерт. 10.00 — **Кулранг сеҳргар** (телеспектакль). 11.00 — Бугун — СССР Ҳарбий Денгиз флоти куни. 12.30 — Болалар учун кўрсатув. 13.00 — Спорт программаси. 13.45 — Концерт. 14.30 — Адабий асарларни экранлаштириш. 15.45 — Музикали киоска. 16.15 — Қишлоқ янгиликлари. 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.20 — Мультфильм. 17.45 — «Янгра, барабан». 18.15 — Ахборот. 18.30 — Телеминиатюралар (такрорий кўрсатув). 19.10 — Ахборот. 19.30 — «ЧАШМА». 21.00 — МОСКВА. Футбол: ЦСКА — «СПАРТАК». 23.00 — «ВАҚТ». **Иккинчи программа.** 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Бадиий фильм. 17.15 — МОСКВА. Адабий учрашувлар. Самад Вургун. 18.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.00 — Варшава куйлари. 21.00 — Кинокўрсатув. 22.00 — Веш йиллигининг ҳал қилувчи, учинчи йили. 22.30 — Кино янгиликлари. 22.45 — Палата (бадиий фильм). Учинчи программа. 18.35 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

30 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 13.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 19.00 — Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. 19.25 — Қишлоқ ҳаёти. 19.55 — Ахборот. 20.10 — Ёзувчи ва замон. 20.40 — Ўн минут музика. 20.50 — Ахборот. 21.10 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Туманли тун (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 20.16 — РСФСР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.30 — Бадиий фильм. 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. 23.45 — Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/VII да Ой тутилган тунда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА (ёзги бинода) — 29/VII да Қайнона (кеч соат 8 яримда).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Фестиваль фильмлари — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 14.00, 17.30, 20.30).

Ифтихор — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечкурун).

Анжелика ва қироя (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), «ДРУЖБА» (10.30, 12.00, 14.00, 15.15, 17.15, 20.30).

Монпарнас кўчаси, 19-уй (12.00, 16.00, 20.00), Бир киши ортиқ (14.00, 18.00, 21.45) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Қорақум қўйнида — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечкурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.20).

ЁЗГИ БИНОДА

Кабирянинг қора тунлари — КИРОВ номли, ТЕЛЬМАН номли.

Ҳалқа — «РАКЕТА».

Ҳур қизлар... — «ХИВА».

Фестиваль фильмлари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари санъатшунослик кандидати, доцент Иноят Пўлатовга акаси

Файзилла ПЎЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ҚИШЛОҚ — ШАҲАРГА

БИРИНЧИ КАРВОН

Куни кеча катта асфальт йўлда «Қизил карвон» пайдо бўлди. Қариб 250 га яқин юк машиналари республикамиз пойтахти томон ҳаракат қиларди. Уларга Сирдарё области далаларида етиштирилган қулоч сиғмас тарвузлар-у ширин-шарбат қовунлар ортилган эди. Сирдарёлик сохибкорлар Тошкент шаҳар меҳнаткашларига дастлабки карвон билан 900 тоннадан эзёд қовун-тарвуз етказиб беришди. Қовун-тарвузлар областнинг ўн тўрт районидаги колхоз ва совхозларнинг полизларида етиштирилган.

Бу ноз-неъматлар Тошкентда давлат чакана нархида шаҳар саноат корхоналари ишчиларига, янгик қурилиш участкаларида сотилди. Сирдарёлик миришкорлар бунга ўхшаш карвонни келаси ҳафта ичида ҳам уюштиришмоқчи.

М. УМАРОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

«Мария» реактори

Варшава яқинидаги ядро тадқиқоти институти шаҳарчасида Польшада иккинчи бўлган янги ядро реактори қурилиши давом этяпти. Лойиҳа совет мутахассислари иштирокида поляк олимлари ва инженерлари томонидан бажарилган. Реактор 30 мегаватт қувватга эга бўлади. Лойиҳада қувватни икки баравар ошириш мумкинлиги кўзда тутилган. Қурилиш 1974 йилнинг сентябрида тугалланиши керак.

Сочдаги рухлар

Кейинги эллик йил мобайнида ташқи муҳитдан инсон организмига рухнинг ўтиши бирмунча камайган. Америка олимлари замондошларимиз ва қадим ўтган кишиларнинг сочларидаги рухни текшириб чиққанларидан сўнг ана шундай хулосага келдилар.

Музейлардан ва шахсий кишилардан 1871 йилдан то 1923 йилгача яшаган одамларга тааллуқли бўлган 130 та соч намунаси олинди. Ҳозирги даврга оид сочлар намунаси қишлоқ ва шаҳар сартарошхоналаридан танланди. Ўтган асрларда яшаган одамларнинг сочидаги рух 1971 йилдаги кишиларникига нисбатан ўн марта кўп эканлиги маълум бўлди.

Бу шу билан белгиланадики, автомобиль газн билан аралашиб кетган рух озиқ-овқат ёки сув орқали инсон организмига ўтишига қараганда бирмунча секинлик билан юз берар экан. Айни чоғда кейинги юз йил мобайнида озиқ-овқат ва ичимлик сувларда рухнинг таркиби ниҳоятда пасайиб кетди. Рухли сув қувурларидан, идишларидан фойдаланиш ҳам барҳам топиб боряпти. Рух тузи косметикада бошқа қўлланилмай қўйди.

Юбилей чемпионати

Футбол

Узбекистон футбол федерацияси республикамизнинг бу йилги 30-юбилей чемпионатида иштирок этувчи командаларни аниқлади. Район, шаҳар ва область биринчилиги ўчун дастлабки мусобақалар июль ойигача давом этди. Республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ғолиб 27 команда эса, уч группага бўлинди.

Биринчи группа: «Старт» (Тошкент), «Шахтер» (Красногорск), «Чимён» (Чирчиқ), «Тонг» (Қарши), «Заря» (Шаҳрисабз), «Искра» (Жиззах), «Меҳнат» (Марғилон), «Химик» (Фарғона), «Заря» (Жалақудуқ).

Иккинчи группа: «Трактор» (Тошкент), «Металлург» (Олмалиқ), «Малик» (Сирдарё области), «Мотор» (Гулистон), «Нефтяник» (Фарғона), «Текстильмаш» (Қўқон), «Строитель» (Наманган), «Ремзавод» (Ленинск), «Строитель» (Советобод).

Учинчи группа: «Меҳнат резервлари» (Тошкент), «Амударё» (Нукус), «Сплав» (Чирчиқ), «Строитель» (Самарқанд), «Амударё» (Урганч), «Ташкабель» (Тошкент), «Строитель» (Бухоро), «Сурдиён» (Навоий) ҳамда «Хива» командаси.

Группалардаги учрашувлар икки даврада ўтказилиб, уларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган командалар финал ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Финал учрашувлар бир даврада ўтказилиб, республикамизнинг бу йилги чемпиони аниқланади.

Маълумки, СССР биринчилигининг «А» класс иккинчи группасида Узбекистондан «Автомобилист» (Термиз), «Нефтяник» (Фарғона), «Янгиер», «Андижонча», «Труд» (Жиззах), «Янгиариқ» командалари иштирок этяпти. Мавсум сўнгида ана шу коллективлар орасида охирги ўринни эгаллаган команда республика юбилей чемпионатининг голиби билан икки марта учрашув ўтказади. Бу учрашувлар якунига кўра голиб команда келаси йили мамлакат биринчилиги иккинчи группаси ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Узбекистон юбилей чемпионатининг байроклари кеча — 28 июлда тантанали суратда кўтарилди.

А. ИМОМХУЖАЕВ,
республика тонфасидаги судья.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

№ 177. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 01643.